БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 28 (18.206). • 3 февраль 1982 йил, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ФРАНЦИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXIV СЪЕЗДИГА

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Франция Компартияси XXIV съездининг делегатларига ва улар орқали барча француз коммунистларига қардошлик саломини ва ишда муваффақиятларга эришувларини истаб билдирган тилакларини йўллайди.

Партиянгизнинг съезди халқаро аҳволнинг масъулиятли бир пайтида ўтмоқда. Агрессив империалистик доиралар социализмга, тинчлик ва демократия кучларига, бутун озодлик ҳаракатига қарши юришни авж олдириб юбордилар. Улар дунёдаги прогрессив ўзгаришлар йўлига ғов солишдан, халқларнинг тақдирини ҳал қилувчи кимсалар ролини ўзларига қайтариб олишдан иборат амалга ошмайдиган мақсадни кўзлаб ҳарбий устунликка эришишга, дунёдаги кучлар нисбатини ўз фойдасига ўзгартиришга ошкора умид боғламоқдалар. Шу мақсадда мислсиз қуролланиш пойгаси, даставвал ядровий қуролланиш пойгаси авж олдириб юборилди. Худди шу мақсадда бошқа мамлакатлар ва халқларнинг ички ишларига андишасизларча аралашишдан иборат йўл қўйиб бўлмайдиган практика кенгайтирилмоқда. Бундай авантюристик сиёсат бутун планетадаги кишиларнинг тинчлиги, хавфсизлигига таҳлика солмоқда.

Бунинг натижасида вужудга келган вазият уруш хавфининг олдини олиш, кескинликни юмшатиш ва тинч-тотув яшаш принципларини ҳимоя қилиш, империализмнинг агрессив кирдикорларига зарба бериш манфаатларини кўзлаб империализмга ва урушга қарши барча кучларнинг, биринчи навбатда коммунистларнинг бирдам бўлиб яна ҳам активроқ ҳаракат қилишларини ниҳоятда тақозо этади. Совет коммунистлари ФКПнинг халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги учун, қуролланиш пойгасини жиловлаш учун изчил кураш олиб бораётганлигини, француз коммунистлари ўз миллий ва социал озодлиги йўлида курашаётган халқлар билан бирдам эканлигини яхши биладилар ва Франция Компартияси ўз мамлакати ишчилар ва демократик ҳаракатининг шонли анъаналарига таяниб бундан буён ҳам ана шу олижаноб ишга салмоқли ҳисса қўшаверишига аминдирлар.

ФКПнинг Франция ишчилар синфи, бутун меҳнаткаш халқи манфаатларини ҳимоя қилиш борасида эгаллаб келаётган принципиал синфий позицияси совет меҳнаткашларининг чуқур ҳурматига сазовор бўлмоқда. Коммунистлар омма орасида бўлиб, сўл кучлар бирлиги руҳида ҳаракат қилиб, мамлакат тангликдан қутулиши ва монополияларнинг ҳукмронлигини чеклаш учун, меҳнаткашларнинг адолатли талаб-эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган демократик ўзгаришларни амалга ошириш йўлида курашмоқдалар. Совет коммунистлари қардош Франция Компартиясига шу йўлда янги-янги муваффақиятларга эришувини тилайдилар. Компартиянинг мамлакат ҳаётидаги таъсири кенгайишининг гарови ҳам ана шу муваффақиятлардадир.

Партиянгизнинг Совет Иттифоқи билан Франция халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолияти Совет Иттифоқида ҳурмат қозонди. Муайян доиралар Совет Иттифоқи билан Франция ўртасидаги яхши муносабатларга путур етказишга уринаётган ҳозирги шароитларда кўп йиллар мобайнида зўр куч-ғайратлар эвазига эришилган ҳамма натижаларни асраб қолиш ва кўпайтириш муҳимдир.

КПСС Марказий Комитети партияларимиз ўртасидаги мавжуд қардошларча дўстлик ва қалин бирдамлик муносабатларини юксак қадрлайди. Бу муносабатлар империализмга қарши, муштарак идеалларимиз — тинчлик ва социализм учун кўп йил биргаликда олиб борилган курашда синовдан ўтди. КПСС бу муносабатларни КПСС билан ФКП делегацияларининг 1980 йил январида Москвада олиб борган музокаралари тўғрисидаги қўшма ахборотда қайд этилган принциплар асосида бундан буён ҳам мустаҳкамлаб ривожлантиришга азму қарор берган.

КПСС Марказий Комитети меҳнаткашларнинг туб манфаатлари учун, тинчлик, демократия ва социализм учун, Франциянинг халқаро майдондаги чинакам мустақил ва конструктив сиёсати учун курашда Франция Компартиясига муваффақиятлар тилайди.

Яшасин Франция ишчилар синфи, меҳнаткашларининг жанговар авангарди — Франция Коммунистик партияси!

КПСС билан ФКП ўртасидаги, совет ва француз халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик ва бирдамлик мустаҳкамланиб ривожлана берсин!

Яшасин тинчлик ва социализм!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎРТОҚ СЕКРЕТАРЬ

Коммунист Я. Попцов «Уралмаш» заводининг модель цехида ўттиз йилдан бери меҳнат қилмоқда. Корхонага ишчи бўлиб келган эди. Йигирма икки йил мобайнида участканинг катта мастери бўлди, участка коллективи катта мастернинг ҳам тинимсиз ғайрат-ҳаракатлари туфайли завод социалистик мусобақасида бир неча бор ғолиб бўлиб чиқди. Катта мастернинг хизматлари «Ҳурмат Белгиси» ордени билан тақдирланди. Зарурат туғилиб қолганида, Яков Иванович беш йил муқаддам техника контроли бўлимига бошчилик қилди. Деярли ўша пайтдан бери у узлуксиз цех партия ташкилотининг секретарлигига сайланмоқда, шу масъулиятли топшириқни бажаришга сидқидилдан бутун кучини сарфлаб келмоқда.

Бундай кишилар тўғрисида коммунистлар ҳам, партиясизлар ҳам ҳурмат билан «Ўртоқ секретарь!» — дейдилар. Ишчанлик ва собитқадамлик, принципиаллик ва шахсий масъулиятни дарҳол сезиш унинг ўзига хос фазилатларидир. Шу фазилатлари туфайли одамлар унга интиладилар, ундан намуна олишга ҳаракат қиладилар.

Ҳар бир коммунист ташкилотчи бўлиши лозим. Бошланғич ёки цех партия ташкилотининг, партком ёки бюронинг секретари эса биринчи навбатда шундай бўлиши керак. У коллективнинг ишида пешқадам бўлиши лозим. Бироқ, у ўз зиммасига юклатилган масъулиятни англашнинг ўзи кифоя — ҳамма иш жойида бўлади, деб ўйлаш соддадиллик бўлур эди. Партия раҳбарлиги илмини қунт ва сабот билан ўрганиш керак. Айниқса, биринчи бор сайланган кишилар шундай қилишлари зарур.

Биринчи бор сайланганларнинг шундай қилишлари жуда муҳим: чунки йил сайин партия ташкилотларига раҳбарлик қилиш учун кўпгина янги кишилар сайланмоқда. Ўтган ҳисобот сайлов кампанияси ҳам бундан истисно бўлмайди. Шу сабабли биринчи бор секретарлик лавозимига ишониб кўтариб қўйилган кишилар зарур амалий кўникмаларни тезроқ ҳосил қилишлари, ўз ўтмишдошларининг бой тажрибасини чуқурроқ ўзлаштиришлари муҳимдир. Партия ташкилотларининг янги сайланган раҳбарларига таълим ва йўл-йўриқ берганда аввало, айни шу нарсага эътибор бериш лозим.

Коммунистларнинг, аввало комитет, бюро аъзоларининг, партия группалари ташкилотчиларининг коллектив ақл-заковатига, ташаббускорлигига мустаҳкам таяниш — секретарь муваффақиятли ишининг зарур шартидир. Партия бюроси раҳбари нақадар яхши фикр-ўйларни кўзламасин, қанчадан-қанча қалб кўрини сарфламасин, башарти ҳамма ишни ўзи қилишга уриниб, якка ёлғиз ҳаракат қиладиган бўлса унчалик кўп натижага эриша олмайди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленумида сўзлаган нутқида пойтахтдаги «Сокол» тикувчилик бирлашмасининг коллективи ишини маъқуллаб гапирди, бу коллективнинг маҳсулотига талаб катта эканлигини айтди. Кўп жиҳатдан бу шу ердаги партия ташкилотининг хизматидир. Корхонанинг энг яхши мутахассисларидан бири — Л. Беляева корхона партия ташкилотига нисбатан яқинда бошчилик қила бошлади. Хўш, Людмила Алексеевна ишни нимадан бошлади? У ишни бош масаладан бошлади — партия бюросининг аъзоларига дарҳол ишнинг конкрет участкалари бириктириб қўйилди, улардан ҳар бирининг биринчи галдаги ва истиқбол вазифалари белгиланди. Партия бюроси белгиланган режаларнинг ижросини мунтазам назорат қилиб турибди. Ёш секретарнинг ўзи эса ўртоқларининг маслаҳатлари ва мулоҳазаларини миннатдорчилик билан қабул қилади, инженер Р. Головастова, методист В. Тимохина, мастер М. Ермоличева сингари бир неча бор партия бюросига сайланган тажрибали ташкилотчилардан кўп нарсани ўрганаётганини яширмайди. Шу боисдан ҳам коммунистларнинг иши юришиб бормоқда.

Коммунистлар ўз ораларидан ишбошиларни кўтариб қўйиб, уларга катта ишонч билдирадилар. Табиийки, улар ҳам, В. И. Ленин ибораси билан айтганда, «ҳокимият кучи билан эмас, балки обрў кучи билан, ғайрат кучи билан, кўпроқ тажрибалилик билан, кўпроқ ҳар тарафламалилик, кўпроқ истеъдодлилик билан» иш кўришларидан умид қиладилар. Асосан шундай бўлиб ҳам чиқмоқда. Аммо айрим кимсалар секретарь бўлгач, дафъатан ёмон томонга ўзгара бошлашлари, ҳаммага ва ҳар бир кишига ўйламай-нетмай насиҳат қилишга, буйруқ беришга киришишлари, одамлар билан маслаҳатлашмай қўйишлари сингари фактлар ачинарлидир. Баъзан янглишиш оқибатида кўтариб қўйилган мана шундай ношуд ташкилотчи хўжалик раҳбарлари билан муносабатни бузмасликка интилади, шу раҳбарлар йўл қўяётган ножўя хатти-ҳаракатлар ҳақида лом-мим демайди, уларни омма назоратидан, қуйидан бўладиган соғлом танқиддан омон сақлашга уринади. Мана шундай «ишбошилар»дан қатъиян халос бўлиш керак.

Партия бошланғич партия ташкилотларини маъмурият фаолиятини назорат қилиш юзасидан уставда белгилаб қўйилган ҳуқуқдан янада активроқ фойдаланишга, бирон-бир масалани ҳал этишда нотўғри йўл тутаётганларни тартибга чақиришдан қўрқмасликка ундамоқда. Бу ўринда ҳам айни секретарлар гап кадрлар проблемалари тўғрисида борадими, давлат планларини ва социалистик мажбуриятларни бажариш ҳақида ёки одамларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида борадими, бундан қатъи назар, партия йўлини ҳимоя қилишда қатъият намунасини кўрсатишлари лозим.

Саботли ташкилотчилик ва сиёсий иш, амалий тадбирлар ўрнига ҳаммага маълум гапни эзмаланиб такрорлайверишга ва қоғозбозликка киришилган тақдирда партия раҳбарлигининг таъсирчанлиги жуда пасайиб кетади. Ҳар бир масала хусусида директива тарзидаги кўрсатмаларни беравериш — мутлақо самарали ишлашни билдирмаслигини, афсуски, ҳали ҳамма ҳам тушуниб етгани йўқ. Қарор қабул қилингач, унинг белгиланган муддатда ҳеч сўзсиз бажарилишига ҳаракат қилиш муҳимдир. Шу муносабат билан назорат қилиш ва ижрони текширишни кучайтириш ҳамда такомиллаштириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш, сўз билан ишнинг бирлигини мустаҳкамлаш лозим.

Ҳақли равишда: секретарь ташкилот учун жавобгар, дейдилар. Ўз навбатида коммунистлар ҳам секретарь учун жавобгардирлар. Коллективда эгаллаб турган лавозимдан қатъи назар, ўзаро талабчанлик, танқид ва ўз-ўзини танқид муҳитида раҳбар ходим муваффақиятлироқ камол топади. Аксинча, бу лавозим нақадар юқори бўлса, талаб ҳам шу қадар юксак бўлиши керак. Бу ўринда юқори комитетларнинг позициясига ҳам кўп нарса боғлиқ бўлади. Уларнинг баъзилари сайлаб қўйилган активларнинг практикасини чуқур таҳлил қилмаётганликлари, айрим ҳолларда яхши тилаклар билдириш ёки докладларда такрорланавериб сийқаси чиқиб кетган танқидий мулоҳазаларни айтиш билангина чегараланиб қолаётганликлари яхши эмас. Масалан, Калуга область Дзержинский район партия комитетининг пленумларида ва бюро мажлисларида «Правда» совхози партқомининг секретарь И. Гаврушин кўпинча танқид қилинади. Пассивлиги учун, ишни ташкил эта билмаслиги, қабул қилинган қарорларни унутиб қўяётганлиги ва шу сингарилар учун койиб қўйишади. Бироқ, райондаги энг катта партия ташкилотларидан бири бўлган совхоз партия ташкилотининг ишида ҳам, унинг секретари иш услубида ҳам аслида ҳеч нарса ўзгармай келмоқда. Хўш, бундай танқидининг нима фойдаси бор? — деган савол туғилади.

Коммунистик қурилиш ҳозирги босқичининг катта ва мураккаб вазифалари асосида ҳамма поғоналардаги, барча бўғинлардаги партия раҳбарлигининг роли кўп марталаб ошиб бормоқда. Жойларда ишчанлик ва интизомни қарор топтиришга бошланғич ва цех партия ташкилотларининг раҳбарлари сезиларли ҳисса қўшмоқдалар. КПСС XXVI съезди қарорларини, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли амалга ошириш йўлида уларнинг куч-ғайратлари тинимсиз ошиб бораверсин.

[«ПРАВДА»нинг 1982 йил 2 февралдаги бош мақоласи].

ШЎРТАННИНГ АЗИМ ГАЗ ДАРЁСИ

Шўртан газ комплексининг иккинчи навбати ишлатиш учун қабул қилиб олинди. Янги қувватлар арзон табиий ёқилғи қазиб чиқариш ва уни қайта ишлашни икки баравар — йилига тўрт миллиард кубометрдан саккиз миллиард кубометрга етказиш имконини беради.

«Мубарекгазпромстрой», «Средазнефтегазмонтаж» трестлари, уларнинг ёрдамчи пудрат ташкилотлари қурувчилари ва монтажчилари қисқа муддатда бир қанча жуда мураккаб иншоотларни қуриб битказдилар. Чуқурлиги уч километрдан ошадиган ўнта янги кон-қудуқ ер ости хазинаси йўлини очди.

Шу беш йилликнинг охиригача Шўртан комплексида ёқилғи қазиб чиқариш ва қайта ишлашни йилига йигирма миллиард кубометрга етказиш мўлжалланмоқда. Сирдарё ва Тошкент иссиқлик электр станциялари, бинокорлик материаллари саноатининг бир қанча йирик корхоналари Шўртан гази билан ишлайдиган бўлади. (ЎзТАГ).

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ. Ҳозирги қиш кунларида Ленин номли совхоз-техникуми коллективи келгуси ҳосил учун замин яратмоқда.

Бу ерда экин майдонлари ўз вақтида ҳайдалди, қўшимча равишда суғорилди, ҳаводан минерал ўғитлар солинди. Ҳозир хўжалик меҳнаткашлари далаларга маҳаллий ўғитларни чиқармоқдалар.

Бу ишни олиб бориш учун махсус механизациялаштирилган отрядлар ташкил этилган. Ҳар гектар ерга 15 тоннадан ўғит ташиб чиқарилмоқда.

Суратда: илғор механизаторлардан бири — Ортиқ Ҳасанов. У бир кунда 25 тоннадан ўғит ташиб чиқармоқда.

И. Хўжаев фотоси. (ЎзТАГ).

СССР 60

△ ҲАР БИР КУННИ ФИДОКОРОНА МЕҲНАТИМИЗ БИЛАН НИШОНЛАЙЛИК!

△ ЧОРВАДОРЛАР ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ ЗАРБДОР ВАХТАСИДА

△ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИШ ҲАР БИРИМИЗНИНГ ЖОНАЖОН БУРЧИМИЗДИР!

Етти чорвадор ташаббусига қўшилиб

ШАРАФЛИ БУРЧ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республика илғор чорвадорларининг Ўзбекистондаги барча чорвачилик ходимларига мурожаатномаси ҳақидаги қарорини ва мурожаатномани зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдик. Бу ҳужжатларда баён этилган фикрларни тўла маъқуллаймиз. Илғор чорвадорлар таъкидлаганларидек, чорвачиликни ривожлантиришни жадаллаштириш соҳасида партия белгилаган тадбирларни амалга ошириш ҳаммамиз учун қонундир. Ўз социалистик мажбуриятларимизни муваффақиятли бажариш — бизнинг халқ олдидаги, Ватан олдидаги мажбуриятимиз ва бурчимиздир. Жиддий имтиҳондан шараф билан ўтиш, мамлакатга кўпроқ гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар бериш, озиқ-овқат программасини ҳал этишга муносиб ҳисса қўшиш учун бутун куч-ғайратимизни сарфлайлик!

Мен ўттиз йилдан буён бош чўпон бўлиб ишлайман. Иш жараёнида кўп қийинчиликларни бошдан кечирдим. Лекин ҳеч қачон қийинчиликлар олдида саросимага тушмадим, ваҳимага берилмадим. Ҳалол меҳнатим билан йилдан-йилга янги муваффақиятларга эришиб келяпман. Бош чўпонликнинг дастлабки йилларида ҳар 100 бош совлиқдан 130—135 тадан қўзи олган бўлсам, эндиликда 165—170 тадан қўзи оляпман. Бу йил эгиз қўзилар сонини 180 бошга етказиш мажбуриятини қабул қилдим. Мен билан бир сафда туриб меҳнат қилаётган Нормон Нурмонов, Абдураҳмон Раббимов, Умир Йўлдошев, Турсун Жавҳаров, Юсуф Бўриев, Эсонбой Умиров, Жўрақул Қаршиевлар бошчилик қилаётган отарларда ҳам совлиқлардан эгиз қўзилар олиш, қоракўл тери тайёрлашда катта зафарларга эришилмоқда.

Кейинги йилларда қоракўлчиликда қандай ўзгаришлар юз берди? Ўтлоқ яйловларга сув чиқариш йўли билан унумдорлиги оширилди. Фан-техника ютуқлари, илғор тажрибалар ҳаётга дадил жорий этиляпти. Чорва моллар озуқа базаси мустаҳкамланди, янги қўйхоналар қурилди ва қурилмоқда. Кўп меҳнат талаб қиладиган оғир ишлар комплекс механизациялаштириляпти. Бир сўз билан айтганда, биз, чўпон-чўлиқларнинг яхши ишлашимиз, қўйлар сони, гўшт, қоракўл тери, жун ва бошқа хил маҳсулотларни кўпайтиришимиз учун ҳамма имкониятлар яратиб берилди. Шундай шароитда бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилиш шарафли бурчимиздир.

Ҳамкасб дўстларимиз — илғор чорвадорлар жуда муҳим масалани кун тартибига қўйдилар. Халқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари ортяпти. Маълумки, чорвачиликдан энг кўп ва тўйимли озиқ-овқат маҳсулотлари олинади. Биз, чорвадорлар, хусусан чўпон-чўлиқлар қўйлар ва қўзилар сонини нечоғли кўпайтирсак, уларни яхши семиртирсак, чиқимга чиқишига йўл қўймасак, гўшт, сут, жун, қоракўл тери ва бошқа маҳсулотлар шунча кўпаяди, турмуш фаровонлигимиз юксалади.

Мен шуларни кўз олдимга келтириб ва илғор чорвадорларнинг ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб, 1982 йил учун ўз зиммамга юксак мажбуриятлар олдим. Юқорида айтиб ўтганимдек, ҳар 100 бош совлиқдан 180 тадан соғлом қўзи оламан. Бирор бош қўй ёки қўзининг нобуд бўлишига йўл қўймайман. «Ремонт»га чиқарилган қўйларни юқори семизликда гўштга топшираман.

Энг муҳими — урғочи қўзиларнинг ҳаммасини ўстиришга сақлаб қоламан ва бир отардан икки отар ташкил қилиш учун бутун куч-ғайратимни сафарбар этаман.

Қўйчилик, айниқса қоракўлчиликни ривожлантириш учун бир қатор муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш зарурлигини айтиб ўтмоқчиман. Қоракўл қўйларнинг зотини яхшилаш борасида иш суст олиб борыляпти. Қоракўлчилик қоидасига мувофиқ қўчқорлар бошқа хўжаликларнинг қўчқорлари билан алмаштириб турилиши керак. Бироқ, кейинги йилларда нима сабабдандир бунга риоя қилинмай қўйилди. Оқибатда қоракўл терининг сорти паст бўляпти. Дахлдор ташкилотларнинг раҳбарлари масалани ижобий ҳал этиш чораларини кўришлари лозим. Сабаби, мамлакат бизлардан ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам аъло сорт қоракўл терилар кутади.

Урғочи қўзиларни тўла ўстиришга сақлаб қолиш зарурлигини яхши биламиз. Лекин қўзилатиш мавсуми қизғин тус олган кезларда одатдагидек урғочи қўзиларни ҳам тери учун сўйиб юборамиз. Менинг фикримча бу масалада қаттиқ тартиб ўрнатмоғимиз керак. Ҳар бир отар ва фермага қоракўл тери тайёрлаш плани берилади. Шу план бажарилиши билан қўзиларни терига сўйишни бутунлай тўхтатиш лозим. Бунинг учун мутахассислар, чўпон-чўлиқлардан қаттиқ масъулият талаб этиш пайти келди.

Яна бир муҳим масалага эътиборни қаратмоқчиман. Ҳар йили эрта баҳорда олинган қўзилар тери учун сўйилади. Мавсум охирида олинган қўзилар эса ўстиришга қолдирилади. Бу метод унчалик тўғри эмас. Мавсумнинг дастлабки даврида ги қўзиларни иложи борича ўстиришга қолдириш керак. Шундай қилинганда қўзилар ҳаво исиб кетгунга қадар шароитга яхши кўникади. Ҳаво исиб кетган пайтда туғилган қўзилар эса кўника олмай қисман нобуд бўлади. Шунинг учун ўстиришга қўзи қолдириш планини бажаришни биринчи ўринга қўймоғимиз шарт.

Кейинги йилларда деярли барча отарлар, фермаларда туёқ сони кўпайтириляпти. Юқорида айтиб ўтганимдек, бир отардан икки отар ташкил этиш кенг йўлга қўйиляпти. Лекин ўстиришга қолдирилган эркак ва урғочи қўзилар тез ўсиб, ривожлана олмаяпти. Бунга юқори сифатли, ширали ва тўйимли омихта озуқанинг етарли бўлмаслиги сабаб бўляпти. Менимча, барча отарлар ва фермаларда, шунингдек, колхозлар ва совхозларда қўзилатиш мавсуми бошлангунга қадар янги олинган қўзиларни боқиш учун махсус аралаш озуқалар тайёрлаб, жойларга келтириб қўйиш керак. Мутахассислар қўзиларни зоотехника кўригидан ўтказиб, озуқа рационини алмаштириб бориш ҳақида маслаҳатлар беришлари лозим.

Ниҳоят, кўп эгиз қўзи олиш ва унинг катта қисмини ўстиришга сақлаб қолаётган чўпон-чўлиқларнинг шахсий манфаатдорлигини кучайтириш зарур. План ва мажбуриятларни ортиғи билан бажаряптими, демак, хизматига яраша кўп ҳақ олсин. Айрим планларини бажармаётган чўпон-чўлиқлар эса тартибга чақирилиши лозим. Қўйлар — давлат мулки, халқ бойлиги. Уни кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш яйлов баҳодирларининг шарафли иши! Шундай экан, **илғор чорвадорлар мурожаатномасида айтилганидек, меҳнаткашларни фермалар маҳсулоти билан тўлароқ қондириш, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш — шон-шараф бурчимиздир.**

Толли ҚОДИРОВ,
Қўшработ районидаги «Мойбулоқ» қоракўлчилик совхозининг бош чўпони.

ФРАНЦИЯ КОМПАРТИЯСИ СЪЕЗДИГА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари К. У. Черненко бошчилигидаги КПСС делегацияси Франция Компартияси раҳбарларининг таклифига биноан ФКП XXIV съезди ишида қатнашиш учун 2 февраль куни Москвадан Парижга жўнаб кетди. Делегация составида КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими мудирининг биринчи ўринбосари В. В. Загладин, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Красноярск ўлка комитетининг биринчи секретари П. С. Федирко, КПСС Марказий Комитети аъзоси, В. И. Ленин номидаги Иваново камвол комбинатининг тўқувчиси В. Н. Голубевалар бор.

КПСС делегациясини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари А. П. Кириленко, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

Магнитка байроғида орден

МАГНИТОГОРСК (Челябинск области), (ТАСС). В. И. Ленин номидаги металлургия комбинатининг коллективи ўз корхонасининг 50 йиллигини меҳнатда катта муваффақиятлар билан кутиб олди.

1 февраль куни Магнитогорскда комбинатга Октябрь Революцияси ордени топширилишига бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди. Мажлис аҳли самимий кутиб олган КПСС Марказий Комитети секретари В. И. Долгих нутқ сўзлади. В. И. Долгих СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини ўқиб берди ва орденни гулдурос қарсаклар остида комбинат байроғига қадаб қўйди.

АКТИВ ЙИҒИЛИШИ

ЖИЗЗАХ, 2 февраль. (ЎзТАГ). Бугун Жиззах область партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари КПСС XXVI съездининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари ва тавсиялари асосида жамоат чорвачилигини ривожлантиришни жадаллаштириш тадбирларини муҳокама этдилар. Область партия комитетининг биринчи секретари Т. Боймиров доклад қилди.

Йиғилиш 1982-1985 йилларда область колхоз ва совхозларида чорвачиликни янада ривожлантириш тадбирларини маъқуллади.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ XII СЪЕЗДИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети Ўзбекистон касаба союзлари XII съезди делегатларига шуни маълум қиладики, съезд 1982 йил 4 февраль куни эрта билан соат 10 да Алишер Навоий номли Катта академик театр биносида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ XII СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Съезд делегатлари 1982 йилнинг 3 февраль куни эрталаб соат 9 дан кеч соат 20 гача, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети мажлислар залида, 4 февраль куни эса эрталаб соат 9 дан Алишер Навоий номли театр фойесида рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми меҳнат унумдорлигини оширишга, технологияни такомиллаштиришга, маҳсулотга кетадиган материални камайтириш, меҳнат шароитларини ҳамда техника хавфсизлигини яхшилашга катта ҳисса қўшган рационализаторлик таклифлари ва ихтироларини ишлаб чиққанлиги ҳамда жорий этганлиги, жамоат ҳаётида актив қатнашаётганлиги учун электр техника саноати министрлигига қарашли «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг етакчи конструктори ўртоқ Иван Петрович **Решетниковга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган рационализатор» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини ривожлантиришдаги хизматлари учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Тошкент шаҳар ижроия комитети бош архитектура-планлаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Владислав Евгеньевич **Русановга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган архитектор» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми совет ва касаба союз органларида кўп йил самарали ишлаганлиги, жамоат ҳаётида актив қатнашганлиги учун давлат муассасалари ходимлари касаба союзи Тошкент область комитетининг раиси ўртоқ Холида Содиқовна **Ғуломовага** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия органларида кўп йил самарали ишлаганлиги ҳамда туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири ўртоқ Тимофей Григорьевич **Зинини** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил самарали ишлаганлиги, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги хизматлари учун, шунингдек туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи ўртоқ Абдуҳоди Раҳмонович **Раҳмоновни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўрлар жамияти системасида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон кўрлар жамияти раисининг ўринбосари ўртоқ Сергей Яковлевич **Шагевни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ XII СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

БЕШ ЙИЛЛИК ВА ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ

МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИСТИҚБОЛИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ РЕСПУБЛИКА СОВЕТИ ВА «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ДАВРА СУҲБАТИ

«ТЕХНИКА ҚАНЧАЛИК КЎП РИВОЖЛАНСА, ОДАМНИНГ ҚЎЛ МЕҲНАТИ ШУНЧАЛИК КЎП СИҚИБ ЧИҚАРИЛАДИ, УНИНГ ЎРНИГА БОРГАН САРИ КЎПРОҚ МУРАККАБ МАШИНАЛАР ИШЛАТИЛАДИ».

В. И. ЛЕНИН

Коммунистик партия ва Совет давлати меҳнаткашларнинг иш шароитини яхшилаш, оғир қўл меҳнатини механизациялаштириш асосида меҳнат унумдорлигини оширишга, тобора юқори иш унумига эришишга доимо катта эътибор бериб келмоқда. «Совет жамияти — меҳнат аҳллари жамиятидир, — деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездига Ҳисобот докладида.— Партия ва давлат инсон меҳнати ана ҳам унумли бўлибгина қолмай, шу билан бирга мазмунли, мароқли, ижодий бўлиши учун ҳам кўп куч-ғайрат сарфлаб келдилар ва сарфламоқдалар. Бинобарин, қўл билан бажариладиган нам малакали ва оғир жисмоний меҳнатни тугатиш бу соҳада ғоят муҳим роль ўйнамоғи лозим. Бизда миллионлаб кишилар ҳамон шундай меҳнат билан банд бўлиб турибди. Бу фақат иқтисодий проблемагина бўлиб қолмай, балки жиддий социал проблема ҳамдир. Буни ҳал қилиш меҳнатни ҳар бир кишининг энг биринчи ҳаётий эҳтиёжига айлантириш йўлидаги муҳим тўсиқларни йўқотиш демакдир».

Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш масалалари доимо касаба союзларининг диққат марказида. Касаба союз комитетлари халқ хўжалиги тармоқларида оғир ва кам малакали ишни механизациялаш, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитариясининг қоидалари ва нормаларига қандай риоя қилинаётганлигини назорат қилиб турадилар, бу соҳалардаги ишларни янада яхшилаш учун актив иш олиб борадилар.

Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва «Совет Ўзбекистони» газетаси уюштирган давра суҳбатида оғир қўл меҳнатини механизациялаштириш даражасининг ҳозирги кундаги аҳволи ва бу соҳадаги ишларни янада кучайтириш хусусида фикр юритилди. Давра суҳбати қатнашчилари бу масалалар бўйича ўз коллективларида эришаётган ютуқлар ва ҳал этилиши лозим бўлган проблемалар ҳақида сўзлаб бердилар.

Суратда: давра суҳбати қатнашчилари. А. Тўраев фотоси.

ҲОЗИРГИ шароитда, — деди Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўлимининг бошлиғи Т. Тормишева давра суҳбатини бошлаб, — ишлаб чиқариш жараёнлари механизациялашган ва автоматлашган сари қўл меҳнати, айниқса, оғир ва кишига ёқмайдиган меҳнат аста-секин сиқиб чиқарилляпти. Республикамизда бу соҳада партия, совет ва касаба союз ташкилотлари хўжалик раҳбарлари билан биргаликда муҳим ишларни амалга оширмоқда.

1975 йилдан бошлаб уч йил мобайнида халқ хўжалигида «Қўл меҳнати — механизмлар зиммасига» шиори остида республика кўрикга ўтказилди. Унда мингдан ортиқ коллектив иштирок этди.

Ҳар йили Ўзбекистон саноатида 400 дан ортиқ механизациялашган ва автоматлаштирилган потокли линия, участка ва цехлар ишга туширилади. Уч мингдан зиёд бирликдаги технологик ускуналар модернизация қилинади, бунинг ҳисобига бир йилда ўрта ҳисобда 8 мингга яқин ишчи оғир қўл меҳнатидан озод этилади.

Лекин шунга қарамай, бу соҳадаги ишлар ҳали бугунги кун талабларига жавоб бермайди, ишлаб чиқаришни механизациялаштириш даражаси сеннлик билан ўсмоқда, барча ишчиларнинг ярми қўл меҳнати билан шуғулланади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети 1979—1980 йилларда Ўзбекистон ССР саноатида қўл меҳнатини механизациялаштириш комплекс программаси тўғрисидаги кўрсатмаларида министрликлар, идоралар, бирлашмалар ва корхоналар олдига бу соҳада конкрет вазифаларни қўйди. Ушбу кўрсатмани амалга ошириш борасида ўтказилган 1114 тадбир 33.8 миллион сўмлик самара берди. 11471 киши механизациялаштирилмаган меҳнатдан озод қилинди, оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланувчилар 2700 кишига камайди, шундан 825 киши аёллар эди. Бу соҳада Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочни қайта ишлаш саноати, Автомобиль транспорти министрликлари, «Госкомсельхозтехника» ва бошқа ташкилотлар ибратли ишларни амалга оширдилар.

Бу ишларни янада активлаштириш мақсадида ўтган йил ноябрь ойида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 60 йиллиги шарафига бағишлаб 1982—1983 йилларда Ўзбекистон ССРнинг саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотларида оғир қўл меҳнатини механизациялаштириш юзасидан республика оммавий кўригини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди. Унинг низомига мувофиқ кўрик ўтказилаётган пайтда коллективлар янги техникани жорий қилиш, оғир қўл меҳнати билан шуғулланувчилар сонини камайтириш, асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришда сермеҳнат жараёнларни механизациялаштириш юзасидан ҳар йилги топшириқларни бажариб боришлари шарт. Кўрик якунига кўра ҳар йили голиблар Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети дипломи, пул мукофоти, фахрий ёрлиқлар билан рағбатлантириб борилади.

Бу кўрикни муваффақиятли ўтказиш республика халқ хўжалигида механизациялаш даражасини янада ошириш ва меҳнат шароитини яхшилашга катта таъсир кўрсатади, деб ишонамиз.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг мебель ва ёғочни қайта ишлаш корхоналарида мебель ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда унинг сифатини яхшилаш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисидаги кўрсатмасини бажара бориб,— деди Ўзбекистон ўрмон, қоғоз ва ёғочни қайта ишлаш саноати ишчилари касаба союзи республика комитетининг раиси П. Нурмирзаев. — тармоқ корхоналари коллективлари қўл меҳнатини қисқартириш, ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришни жорий қилиш ҳамда ишлаб чиқарилаётган мебеллар сифатини яхшилаш юзасидан муҳим ишларни амалга оширдилар.

Кейинги йиллар мобайнида пландаги 70 ўрнига 84 автомат ва ярим автомат линиялари, юзлаб технологик ускуналар, 70 бирликдаги электр ва автоюклагичлар ўрнатилди ҳамда ишга туширилди. Ишчиларнинг оғир қўл меҳнатини енгиллаштиришга 11 та комплекс механизациялашган участка ташкил этилди.

КАСАБА союз комитетлари бу ишларни амалга оширишда актив иштирок этмоқда. Улар иш шароитини яхшилаш, меҳнатни енгиллаштиришга қаратилган тадбирларни жорий қилиш учун жон куйдирдилар, ишчи ва инженер-техник ходимларни активлаштириш борасида катта ташкилотчилик ишларини олиб бормоқдалар, «Тошкент» ва Сергели мебель ишлаб чиқариш бирлашмаларида, Қува ва Олмалиқдаги мебель фабрикалари ҳамда «Ўзбекпроектмебель» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида қўл меҳнатини механизациялаштириш имконини берадиган тадбирлар қандай бажарилаётганлиги муҳокама қилинди. Бу масъулиятли вазифалар ишлаб чиқариш жараёнини тўхтатмасдан бажаришга катта ёрдам берди. Лекин министрлигимизнинг ҳамма корхоналарида иш ана шундай яхши йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Мисол сифатида шуни айтиш мумкинки, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш даражаси Қўқон мебель фабрикасида 46 процентни ташкил этса, Урганч ва Наманган мебель фабрикаларида 35—37 процентга тўғри келади.

— Мен 1958 йилдан буён «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасида пардозловчи бўлиб ишлайман, — деб суҳбатни ишчи Т. Азимжонов давом эттирди. — Бу йиллар мобайнида бирлашмамиз қиёфаси тубдан ўзгариб кетди. Асосий ишлаб чиқариш жараёнларининг кўп қисми механизациялаштирилди.

Бизнинг 4-цехимизда илгарилари пардозлаш ва кесиш ишлари ҳам қўлда бажарилар эди. Янги технологик линияларнинг ишга туширилиши натижасида бу жараёнлар механизациялаштирилди. Цехимиз озода, ёруғ бўлиб қолди, аччиқ хидлар йўқолди. Меҳнат унумдорлиги ҳам ортди. Шоанвар Шоёқубов, Собир Валижонов, Олим Абдуқодиров сингари социалистик мусобақа илғорлари кундалик нормаларини ортиғи билан бажариш билан бирга-ликда қўл меҳнатини енгиллаштирувчи рационализаторлик таклифлари ҳам киритиб, новаторлик намуналарини кўрсатмоқдалар.

Аммо бирлашмамизда иккинчи даражали ишлаб чиқариш ва омбор ишлари ҳали тўла механизациялаштирилмаган. Бу жойлардаги юмушлар ҳозир ҳам оғир қўл меҳнатини талаб қилади. Бу жараёнлар механизациялаштирилса, кўплаб ишчиларни оғир меҳнатдан озод этишга ва иш шароитларини яхшилашга имкон яратилар эди.

— СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга мўлжалланган Асосий йўналишларида ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаштиришга катта эътибор берилган. «Отдельстрой» трестига қарашли бизнинг кичик механизациялаштирилган участкамиз коллективи ўз кундалик фаолиятида бу кўрсатмаларга оғишмай амал қиляпти, — деди коллектив бошлиғи Р. Юзеев, — маълумки, бўяш ва пардозлаш ишлари кўп қўл кучи талаб қилади. Аммо бизда бу ишларни механизациялаштиришга катта эътибор берилляпти. Кейинги йилларнинг ўзида янги қориштириш насоси, бўяш агрегати, мармарни кесиш арраси сингари механизмларни ишлаб чиқаришга жорий қилдик. Қурувчиларимизнинг ўзлари ҳам иш шароитини яхшиловчи ва енгиллаштирувчи методларни излаб топмоқдалар. Улар орасида монтажчилар бригадаси бошлиғи М. Галяуддинов, слесарь Л. Богатирев, электрик А. Обидовлар жонкуярлик кўрсатишяпти. Масалан, Л. Богатиревнинг мармарни кесишдаги янгича усули яхши самара беряпти Илғор ишчи ўз рационализаторлик таклифини «аввалига меҳнат қилаётган бригадасида синовдан ўтказди. Ҳозир участкамизнинг ҳамма бригадаларида бу усул муваффақиятли қўлланилмоқда.

— Кейинги ўн беш йил мобайнида, — деб ўз сўзини бошлади Тошкент агрегат заводининг слесарь-лекалчиғи А. Филипенко, — заводимизда меҳнат унумдорлиги техникавий қайта қуроллантириш ҳисобига ошиб бормоқда. Ишлаб чиқаришнинг асосий ва ёрдамчи қисмларини механизациялаштиришга бирдек аҳамият берилмоқда. Айниқса юклаш-тушириш, транспорт-омбор ишларининг механизациялаштирилганлиги катта самара беряпти.

— Иқтисодий ва социал ривожлантириш комплекс плани, — деди «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитетининг раиси Т. Чурикова, — коллективимизда меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулотлар сифатини яхшилашга, янги техника ва технологияни ўзлаштириш ҳамда жорий қилишга имконият яратяпти. Бирлашма комплекс планидаги муҳим соҳалардан бири ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштиришдир.

Бу тадбирнинг қандай бажарилаётгани касаба союз комитети, унинг комиссияси ва цех комитетлари томонидан доимо назорат қилиб борилади. Оғир қўл меҳнатини механизмлар зиммасига юклаш, иш шароитини яхшилашни янада тезлаштириш ва бу масалаларни ижобий ҳал этиш мақсадида кўрик-конкурслар ўтказилиб турибди.

Ҳозирги пайтда бирлашмамизда, айниқса, юклаш-тушириш ишларини механизациялаштириш даражасини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу малакасиз меҳнат билан кўплаб ишчиларнинг машғуллиги ва унинг механизациялаш даражаси 60 процентни ташкил этиши бизни қониқтирмайди, албатта. Ўн биринчи беш йилликда бу соҳада катта ишларни амалга ошириш мажбуриятини қабул қилганмиз.

БЕЛГИЛАНГАН тадбирларни бажариш, фақат коллективимизга эмас, шу жумладан таъминотчи корхоналарга ҳам боғлиқдир. Масалан, биз Жезқозғондан катодли мис оламиз. Уни ғуширишда жуда оғир ва сермеҳнат юмушдир. Бирлашмамиз худди шундай маҳсулотни Олмалиқдан ҳам олади. Олмалиқликлар бизнинг илтимосимизга биноан мисни пакетлаштириб жўнатишяпти. Жезқозғонликлар ҳам шундай йўл тутишганида бу сермеҳнат иш анча енгиллашган бўлар эди.

Ўзбекистон ССР гўшт ва сут саноати министрлигининг техника бўлими бошлиғи М. Котлик ва Қибрай пиво ва алкоголсиз ичимликлар комбинатининг «Пепси кола» цехи бошлиғи А. Алимбоевлар ҳам меҳнатни механизациялаштириш соҳасида қилинаётган ишлар ҳақида гапириб бердилар.

Кейинги йилларда гўшт ва сут саноатида илғор технологияни жорий қилиш туфайли 690 киши оғир ишлардан халос этилди, 600 га яқин кишининг қўл меҳнати механизациялаштирилди. Министрлик коллектив озиқ-овқат саноати касаба союзи республика комитети билан ҳамкорликда бу соҳадаги ишларни янада кучайтириш юзасидан бир қатор тадбирларни ишлаб чиқдилар. Бунга мувофиқ саноатда меҳнатни механизациялаш даражаси 5,2 процентга ошади, мингга яқин ишчининг, шу жумладан, 390 аёлнинг иш шароити яхшиланади.

— КПСС XXVI съездида қабул қилинган СССРни социал ва иқтисодий ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида иш шароитини яхшилаш соҳасидаги актуал социал вазифаларни халқ фаровонлигини кўзлаган ҳолда ҳал этиш зарурлиги қайд этилади, — деди давра суҳбатининг якунида Ўзбекистон ССР Меҳнат давлат комитетининг меҳнат шароити бўлими бошлиғи Е. Васильченко. — Асосий йўналишларда ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштиришга, айниқса, қўл меҳнатини сиқиб чиқаришга алоҳида эътибор берилган.

Бу истиқбол программаси асосида саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари касаба союз комитетлари билан ҳамкорликда кўплаб комплекс планларни ишлаб чиқяпти. Шу билан бирга корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилишнинг стандарт системасини жорий этиш давом эттириляпти.

Социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун кенг имкониятлар очиб беради. Республикамизда реконструкциялаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ишлари план асосида ривожланмоқда. Механизациялашган ва автоматлашган потокли линиялар, участкалар, асбоб-ускуналарни модернизациялаш даражаси тобора ўсиб боряпти.

Лекин ҳали фан-техника тараққиётидан унчалик самарали фойдаланилмаяпти. Саноатда қўл меҳнати билан шуғулланувчи кишилар сони секин қисқартириляпти.

Маълумки, асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш бир-бири билан боғланиб, яхлит ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этади. Бироқ, замонавий машина-механизмлар ва ҳатто автоматик линиялар бўлган корхоналарда ҳам ёрдамчи ишлар кўп ҳолларда оғир қўл меҳнати билан бажарилаётганлигини кўриш мумкин.

Чунончи, пахта тозалаш саноатида пахта хом ашёсини ишлаш жараёнларининг механизациялаш даражаси 95 процентни ташкил этган бир пайтда пахтани юклаш, уни омборларга жойлаш, бунтларни тиклаш, тараш, ёпиш ва табиий сифатларини сақлаш ишлари асосан қўл кучи билан бажарилаётир.

Бундай аҳволни, шунингдек, консерва заводлари, гўшт ва сут комбинатлари, чой қадоқлаш, тамаки ва кондитер маҳсулотлари фабрикаларида ҳамда халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам кўриш мумкин. Умуман, республикамизда ёрдамчи ишлар билан 53,4 минг киши машғул бўляпти. Улар механизациялаштириш ва автоматлаштириш ишчиларининг иш шароитини яхшилабгина қолмай, ишчи-кучларидан рационал фойдаланиш тадбирларини ўтказишга, янги ишга тушган объектларни ва ўзлаштирилаётган райнларни ишчилар билан таъминлашга катта ёрдам берган бўлар эди.

Меҳнатни механизациялаш соҳасидаги вазифалар олимлар, конструкторлар, инженерлар, технологлар, экономистлар, врачлар ва ишчиларнинг биргаликдаги куч-ғайратлари туфайлигина муваффақиятли ҳал этилиши мумкин. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, қаерда бу проблемаларга комплекс ва ижодий ёндашилаётган бўлса, ўша ерда ишлаб чиқариш самарадорлиги тез ўсади, инсоннинг соғ-саломат, унумли ишлаши учун тўла шароит яратилади.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ — СССР 60 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА!

ЧЎЛГА СУВ КЕЛАДИ

Жиззах чўлида обиҳаётга ташна ерлар ҳали кўп. Сув бу асрий қақроқ ерларга ҳаёт бағишлайди, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш учун кенг имкониятлар очади. Шу сабабли иккинчи насос станцияси қурилиши областдаги зарбдор қурилиш деб эълон қилинган. Бу иншоот Сирдарё сувини 36 метр баландликка кўтариб, чўл бағридаги янги унумдор ерларни қишлоқ хўжалик оборотига киритиш имконини беради.

— Жиззах чўлини ўзлаштириш ишлари давом эттирилсин, — КПСС XXVI съезди қарорларида қайд этилган бу сатрлар қўриқ областда сув иншоотлари қурилиши билан шуғулланаётган бунёдкорларни янги зафарлар сари руҳлантирмоқда.

«Гидрострой» трести қурувчилари ҳозиргача насос станцияси қурилишида катта ҳажмда монтажлаш ишларини бажардилар. Ярим миллион кубометр тупроқ ишлари бажарилди. 32 минг кубометр монолит бетон ётқизилди. 5 минг тонна металл конструкциялари монтаж қилинди. Трестнинг 54-кўчма механизациялашган колоннаси коллектив сўнгги ишларни муваффақиятли олиб бормоқда. Улар СССР 60 йиллиги шарафига бошланган меҳнат вахтасида туриб, 1 апрелгача яна 3 минг кубометр бетон ишларини бажариш, 12 та насос ва электр жиҳозларини монтаж қилиш, сув олинадиган қазвани кўриб тугаллашга аҳд қилдилар. Ўзаро социалистик мусобақада Дмитрий Леонтьев, Николай Савельев, Анатолий Сердин бошлиқ монтажчи, арматурачи ва созловчилар пешқадамлик қилишяпти.

Насос станциясининг биринчи навбатини 1 апрелгача ишга тушириш ва бу муҳим объектни доҳий В. И. Ленин туғилган кунга армуғон этиш барча қурувчиларнинг аҳди. Насос станция тўла ишга тушгач, Жиззах чўлида яна 20 минг гектар ер обиҳаёт билан таъмин этилади. Биргина Зарбдор районида етиштириладиган пахта хирмони қарийб икки баравар ортади.

Н. МИРЗАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТУҲФА

Корхонамизнинг биринчи навбати ўтган йили иш бошлаган эди. Қисқа давр ичида 18 миллион 516 минг метр нотўқима материаллар ишлаб чиқариб, йиллик планни ортиғи билан бажардик.

Хўш, бунга қандай эришилди? Районимизда нотўқима материаллар ишлаб чиқариш бўйича мутахассис ишчилар йўқ эди. Шу боисдан биз корхона қурилиши бошланган пайтдан бошлаб ишчи кадрлар тайёрлашга киришдик. Яқин атрофдаги қишлоқлар ва Поп шаҳридаги йигит-қизларни ишга жалб этдик. Уларнинг бир гуруҳини мамлакатимизнинг енгил саноат ривожланган шаҳарларига ўқишга юбордик. Фабрика қошида ўқув-ишлаб чиқариш комбинати ташкил этиб, ёшларга тажрибали мутахассислар ёрдамида ҳунар ўргатдик. Корхона ишга тушгач, назарий билимлар амалий меҳнат билан қўшиб олиб борилди.

Фабрика партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ишчилар маҳоратини ўстириб бориш, улар ўртасида социалистик мусобақани кенг уюштириш, ғолибларни рағбатлантириш, кўрик-конкурслар ўтказиб туришга алоҳида эътибор беряпти. Бу эса фабрикада ўз ишининг кўплаб моҳир усталари етишиб чиқишида катта роль ўйнамоқда. Юрий Дьяченко, Муҳаммад Холиқов, Қаюмжон Раҳмонов, Ольга Чеботарева сингари ўнлаб мастер ёрдамчилари номини эндиликда фабрика меҳнат аҳли ҳурмат билан тилга олади. Улар белгиланган план топшириқларини мунтазам ошириб бажариб ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда.

Бу йил зиммамизда анча масъулиятли вазифалар турибди. Чунончи, қувватлардан тўла фойдаланиш, ҳозир созлаш ишлари қизғин давом этаётган иккинчи линияни баррақт ишга тушириш, йил охирига қадар 58 миллион 100 минг метр нотўқима материаллар тайёрлашимиз зарур. СССРнинг 60 йиллик қутлуғ юбилейига қадар яна янги иккита линияни муддатидан илгари лойиҳада белгиланган қувватга етказиш ниятидамиз.

Корхонамизнинг барча — 11 линияси ишга туширилгач, йилига 95 миллион метр нотўқима материаллар ишлаб чиқарилади. Бу қувватга тезроқ эришиш учун корхонада янги линиялар қурилиши кун сайин жадал тус оляпти.

Ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида эришган барча ютуқларимиз СССРнинг 60 йиллик юбилейига бизнинг камтарона туҳфамиздир.

И. БЕШТОҚОВ,
Поп нотўқима материаллар фабрикаси директори.

АТЕИСТЛАР МАКТАБИ

Наманган область партия комитети сиёсий маориф уйи ва республика илмий-атеизм уйининг область филиали ҳамкорликда ташкил этган атеист лекторлар ва уларнинг малакасини ошириш икки йиллик мактабида биринчи машғулот бўлиб ўтди.

Унга шаҳар ва район ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, район партия комитетларининг инструкторлари, район газеталари редакторларининг ўринбосарлари, шаҳар, район халқ маорифи бўлимлари методика кабинетлари мудирлари, район комсомол комитетларининг иккинчи секретарлари ва бошқа идеология ходимлари жалб қилинган.

Дастлабки машғулотда область партия комитети агитация ва пропаганда бўлими мудири Э. Ҳайитбоевнинг «КПСС XXVI съезди илмий-атеистик пропаганданинг актуал вазифалари ҳақида», СССР Министрлар Совети ҳузуридаги диний ишлар кенгашининг Наманган область вакили А. Маҳкамовнинг «Диний ибодат ҳақидаги Совет қонунчилиги ва унга риоя қилиш масалалари тўғрисида»ги лекция ва суҳбатлари тингланди.

Наманган областида меҳнаткашларни илмий-атеистик руҳда тарбиялаш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳар ва район партия комитетлари ҳузурида икки йиллик илмий атеизм назарий семинарлари ва мактабларида 350 тингловчи шуғулланмоқда. Районлардаги ўн битта илмий-атеизм халқ университетларида эса 2 мингдан зиёд киши таълим олишмоқда.

Атеист лекторлар мактаби областдаги назарий семинарлар, халқ университетларидаги машғулотлар ишини янада яхшилаш ва ривожлантириш, атеистик тарбил таъсирчанлигини ўстиришга хизмат қилади.

А. НИЕЗОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

СОВУҚҚОНЛИГИ УЧУН ЖАЗОЛАНДИЛАР

«Коммунистик ва Паркент районларидаги баъзи шифокорлар ўз бурчларига масъулиятсизлик билан қарамоқдалар. Бунинг оқибатида айрим кўнгилсиз воқеалар содир бўлмоқда». (Паркент районидаги «Бўстон» колхозида яшовчи М. Примқулов хатидан).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БЎЛИМИ газетхон шикояти юзасидан текшириш ўтказиб, қуйидаги жавобни йўллаган:

— Коммунистик районидаги «Тез ёрдам» станцияси врачи В. А. Ким бемор З. Примқуловани шифохонага жойлаштирмаган ва унинг аҳволи ҳақида участка врачига хабар қилмаган. Райондаги марказий поликлиника мудири Х. Исматуллаев эса бемор транспорт ажратиб, уни Паркент район марказий шифохонасига жўнатишда ёрдам кўрсатмаган.

Область соғлиқни сақлаш бўлимининг буйруғига кўра, беморга мирзачўллик врач Олим Мирзаевга қаттиқ виговор эълон қилинди ва у квартал мукофотидан маҳрум этилди. Хат текширилиб ўртасида муҳокама қилинди. Коммунистик район марказий поликлиника мудири Х. Исматуллаевга қаттиқ виговор берилди.

Мазкур хат Коммунистик ва Паркент районлари медицина ходимлари ўртасида муҳокама қилинди.

БИР ЎРИНГА ИККИ БИЛЕТ

«Наманган — Самарқанд» маршрути бўйлаб қатновчи автобусларда тартиб йўқ. Автовокзал кассирлари бир ўринга иккитадан билет сотиш билан овора». (Ийўловчи Н. Тошев хатидан).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БЎЛИМИ газетхон шикояти юзасидан текшириш ўтказиб, қуйидаги жавобни йўллаган:

— Коммунистик районидаги «Тез ёрдам» станцияси врачи В. А. Ким бемор З. Примқуловани шифохонага жойлаштирмаган ва унинг аҳволи ҳақида участка врачига хабар қилмаган. Райондаги марказий поликлиника мудири Х. Исматуллаев эса беморга транспорт ажратиб, уни Паркент район марказий шифохонасига жўнатишда ёрдам кўрсатмаган.

Область соғлиқни сақлаш бўлимининг буйруғига кўра, беморга мирзачўллик врач Олим Мирзаевга қаттиқ виговор эълон қилинди ва у квартал мукофотидан маҳрум этилди. Хат коллектив ўртасида муҳокама қилинди.

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

САМАРҚАНДДАН ЁЗАДИЛАР

ТАШАББУСКОРЛАР

Нурота шаҳридаги гилам тўқиш ҳамда маҳаллий чопон тикиш фабрикасининг қалби олов хотин-қизлари хонадонларимизни сержило, кўзни қамаштирадиган гиламлар, аҳолини эса пишиқ ва бежирим миллий чопонлар билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Фабрика меҳнат аҳли социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини шараф билан бажардилар. Бунда фабрика машъаллари Ҳакима Омонова, Ҳафиза Худойназарова, Мансура Сафароваларнинг улуши катта бўлди.

Бу ташаббускор хотин-қизлар ўн биринчи беш йилликнинг икки йили топшириғини анча ортиғи билан адо этиб, 1983 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Фабрика юлдузи, шаҳар Советининг депутати Ҳакима Омонова ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки икки йилида мажбуриятдаги 180 квадрат метр ўрнига 190 квадрат метр гилам тўқиди. Фабрика чеварларининг карвонбоши Ҳафиза Худойназарова ўтган йили мажбуриятдаги 240 ўрнига 640 та миллий чопон тикиб, бугунги кунда 1983 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Коммунист Мансура Сафарованинг меҳнати кувончли бўлмоқда. Социалистик мусобақага актив қўшилган Мансура ҳозирги кунда 1983 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Ташаббускор хотин-қизлар ҳаракати бутун фабрика бўйлаб кенг қулоч ёймоқда.

М. РАҲМАТОВ.

РЕМОНТЧИЛАР ҒАЙРАТИ

Иштихон районидаги Ленин номли колхоз механизаторлари кўкламги экиш кампаниясига керакли барча техника воситаларини барвақт шай қилиш учун ремонт ишларини қизғин давом эттирмоқдалар. Хўжаликда 23 кишидан иборат ремонтчилар бригадаси тузилган. Улар учун барча шароит яратиб берилган. Ҳозиргача 353 комплекс борона, 11 та чизель, 17 та культиватор, 16 та сеялка ремонтдан чиқариб қўйилди. Шу кунларда барча ҳайдов ва чопиқ тракторлари жадал ремонт қилиняпти.

Музроб Қорағдиев, Эшниёз Мелиев, Мавлон Жумаев, Холиқул Жўрахолов сингари слесарь ва ремонтчилар, айниқса, ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Хўжалик пахтакорлари бу йил ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш мажбуриятини олишган.

У. САИДОВ.

ЯНГИ МАҲСУЛОТ

СССРнинг 60 йиллиги шарафига ўтказилаётган зарбдор ҳафталикларда муваффақиятли қатнашаётган Самарқанддаги уй-рўзғор буюмлари фабрикаси коллективи ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилини ҳам ғайрат билан бошлади. 1982 йилнинг дастлабки кунларидаёқ бу ерда икки турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди. Ой охирига бориб, областдаги чим устида хоккей билан шуғулланувчи спортчилар завод ишчилари тайёрлаган бежирим ва мустаҳкам чавгонларни қабул қиладилар. Умуман, шу йилнинг ўзида бундай чавгонлардан 3 минг дона ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Катта уста Темир Муҳиддинов яратган миллий сандиқнинг янги турига «Регистон» деб ном берилди. Олд томонига Регистон ансамблининг рангдор акси туширилган бу сандиқ ихчамлиги ва бежиримлиги билан диққатга сазовор. Корхона коллективи йил охирига қадар «Регистон» сандиғининг катта ва кичик туридан 57 минг сўмлик ишлаб чиқариб, бу маҳсулотларни Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд области савдо шохобчаларига етказиб бермоқчи.

Ф. ТОШЕВ.

ДАЛА—ЗАВОД: ЯГОНА КОМПЛЕКС

ЎЗИНГ ҲАМ БЕПАРВО БЎЛМА

Бир вақтлар шип-шийдам бўлган Ўзбекистон чўлларида кейинги йилларда кўпгина қувончли ўзгаришлар содир бўлди. Ҳар йили бу ерларда «оқ олтин»дан яхши ҳосил олинмоқда. Ўзбекистонда қўриқ ерлар янгича усулда ўзлаштирилмоқда. Кўпинча пахта билан ёнма-ён боғлар ва токзорлар ҳам барпо этилмоқда. Бинобарин, илгари бўлганидек, ҳар бир хўжаликда эмас, балки ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва ихтисослаштиришни ҳисобга олинган ҳолда шундай қилинмоқда. Ҳар беш-олти пахтачилик совхозига битта йирик боғдорчилик-узумчилик совхози тўғри келади. Жиззах, Қарши чўлларида ишлаб турган ва қурилаётганларини ҳам ҳисоблаганда бундай совхозлар ҳозирги пайтда бир неча ўнтага етиб қолди.

Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номи билан аталган бизнинг совхозимизда боғлар 300 гектардан ортиқроқни ташкил этади, 800 гектардан ортиқроқ майдонда эса токзорлар бор. Ўнинчи беш йилликда ўртача йиллик мева ва узум етиштиришни тўрт минг тоннага етказдик. Уларнинг бир қисмини қайта ишлаймиз, бироқ маҳсулотнинг асосий бўлагини янги ҳамда кўпгина адресларга жўнатамиз.

Лекин шуни таъкидлаб ўтишни истардимки, қўриқдаги ихтисослашган совхозлар ҳозиргига қараганда мамлакатга анчагина кўпроқ мева ва узум етказиб беришлари мумкин. Бунга нима халақит беряпти? Қанчалик ғалати туюлмасин, бунга асосий сабаб қўриқдаги посёлкалар қурилиши ерларни ирригация жиҳатидан тайёрлашдан орқада қолаётганлигидир. Худди мана шу қолоқлик кўп жиҳатдан маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга тўсқинлик қиляпти, ерларни суғориш ва ўзлаштириш учун сарфланаётган маблағлар самарасини пасайтириб қўймоқда.

Мана бир мисол. Қўшни Октябрь районидаги Алексеевский номли совхозда «Джизакстепстрой» ходимлари ерни шудгорлаб, сув келтирдилар, мевали дарахт кўчатларини ўтқаздилар, боғбон ва соҳибкорлар учун посёлка қурилиши эса кейинга қолдирилди. Оқибатда нима бўлди? Совхозда одамларни узоқ ушлаб туриб бўлмай қолди. Улар келишади, бир оз яшашади-да, яна қайтиб кетишади. Ана шундай бўлганидан кейин, яъни ернинг доимий, ғамхўр, меҳнатсевар эгаси бўлмаганидан кейин қандай қилиб юқори ҳосилга умид боғлаш мумкин?

Шундай воқеани эслайман. У анча илгари, ёшлик пайтларимда бўлган. Кунларнинг бирида ток ўтқазиш учун кенглиги ўттиз сантиметр, бўйи ҳам шунча келадиган чуқур кавлаётган эдим. Ўтиб кетаётган бир мўйсафид олдимга келгач, тўхтаб, мен қазиган чуқурларга қараб деди: «Энига ҳам, бўйига ҳам бир метр қилиб кавла ўғлим, тагига ярим метр қилиб гўнг сол. Уқдингми?» Мен қўл силтадим: «Қўяверинг, қаламчалар шунда ҳам тутиб кетаверади». Мўйсафид ўпкалагандай бош чайқади: «Агар сен бу ерда вақтинчалик бўлсанг, унда гапим бефойда». Ўша йил ёмон келди, менинг ҳамма ишларим зое кетди — кўчатлар кўкармади. Шунинг учун бўлса керак, ёдимда сақланиб қолган ўша воқеа мени ўйлашга мажбур этди.

Чорвадорларга маданий-маиший ва савдо хизмати кўрсатиш намунали йўлга қўйилган. Озуқа цехлари, хашак майдалаш ва қайта ишлаш механизмлари кузда сифатли ремонт қилингани учун улар бир маромда ишлаб турибди. Ем-хашак тақсимоти қатъий ҳисобда. Озуқаларни тақсимлаш хусусида ферма коммунистлари, халқ назоратчилари кўз-қулоқ бўлиб туришибди. Шунинг учун ҳам кунига 10—15 процент озуқа тежаляпти.

Қишлов даврида ҳам гўшт, сут, тухум ишлаб чиқаришни интенсив кўпайтириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқдик. Ориқ, ночор моллар ажратилиб, кучайтирилган рацион асосида боқиляпти. Ҳар бош сигирдан кунига 10—12 килограммдан жами 1500 килограмм сут соғиб олиняпти. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12 процент кўпдир. Бўрдоқига боқилаётган моллар парваришни ҳам борган сари яхшиланиб бораётгани туфайли уларнинг суткалик семириши 750—800 граммга етиб, тирик вазни 420 килограммни ташкил этяпти.

СССР ташкил топган куннинг 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун чорвадорларимиз ўртасида ўзаро меҳнат беллашуви қизғин тус олган. социалистик мусобақа тез-тез якунланиб, илғорлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб бориляпти. Беллашувда коммунистлардан Т. Серкабоев, Т. Арслонова, У. Ашурматов каби чорвадорлар, Э. Арслонов, Х. Малахова, Ў. Қўлдошев сингари бузоқбоқарлар ва сут соғувчилар ғолиблик қилишмоқда.

Куни кеча матбуотда эълон қилинган республика илғор чорвадорларининг Ўзбекистондаги барча чорвачилик ходимларига мурожаатномасини сут соғувчилар, молбоқарлар иштирокида зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдик. Ана шу мурожаат асосида аниқ режалар белгиланди. Айни кунларда бу режаларни оғишмай амалга ошириш, эл дастурхонини чорва маҳсулотлари билан маъмур қилиш учун барча имкониятларни ишга соляпмиз.

«Вақтинчалик одам...» Бироқ бизнинг ҳар биримиздан кейин ерда, ортимиздан нимадир қолади-ку. Боғлар ва токзорлар, уйлар. Ернинг ўзи ҳам қолади, агар биз унга яхши қарамасак, болаларимиз, невараларимиз унда қандай яшашади?

Обод Оққўрғон районидан Жиззах даштига кўчиб бориб, қўриқдаги совхоз директори бўлиб қолганимдан буён бу фикр менга тинчлик бермайди.

Анчадан буён кузатаман: қўриқда «вақтинчалик одамлар» — мўмай пул ишқибозлари кўплаб кўчиб юришади. Бир хўжаликда ер ҳайдашади, бошқасида экишади, учинчисида эса кимлар томонидандир етиштирилган ҳосилни йиғиштиришади. Ҳаммалари ҳам шунчаки, қўл учида ишлашади, ҳақини эса беками-кўст олишади. Тўлашади ҳам. Мана шунинг учун совхозлар — фақат боғдорчилик-узумчилик совхозларигина эмас, балки пахтачилик совхозлари ҳам кам маҳсулот етиштирмоқдалар, зарар кўрмоқдалар. Мана шу зарарларни жамлайдиган бўлсак, улар ҳамма хўжаликларда обод посёлкалар барпо этиш учун зарур бўлган маблағлардан кўпроқдир.

Ерларни суғориш ва захини қочириш ишлари эндиликда Ўрта Осиёда, Украина, Белоруссия, Волгабўйи, Ноқоратупроқ зонада олиб борилмоқда. Менга маълум бўлишича, турли жойларнинг ҳаммасида битта иллат бор. У ҳам бўлса, социал-маданий объектлар қурилишидаги оқсашдир. Шунинг учун ҳам мен ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС XXVI съездида: бундан кейин объектда планда кўзда тутилган уй-жой ва маданий-маиший муассасалар қурилиш программаси ҳам бажарилган тақдирдагина бундай рапортлар ҳақиқий, деб ҳисоблансин, деган таклифини бутунлай ва тамомила қўллаб-қувватлайман.

Биз ҳам худди шундай ҳодисага дуч келганмиз. Ҳозирга қадар қурувчилар посёлкамизда қишки клубни битирмаганлар, бошқа объектлар ҳам камчиликлари билан қолиб кетди, шу аҳволда хўжалик «Джизакстепстрой» системасидан республика Мева-сабзавот хўжалиги министрлигига ўтказилди. Бироқ, бизнинг совхозимизни бирмунча омади юришган хўжаликлар сирасига киритса бўлади. Ўнинчи беш йилликни 3,5 миллион сўмлик соф фойда билан якунладик, бу беш йилликда эса ўртача йиллик узум ва мева етиштиришни 5—6 минг тоннага кўтаришни, ерларни ўзлаштириш ва посёлка қурилиши учун сарфланган 19 миллион сўмни фойдаси билан қоплашни мўлжаллаб турибмиз.

Одамларимиз меҳнатсевар, шу ерда доимий макон топишган. Улар ижтимоий ишлаб чиқаришда сидқидилдан меҳнат қилишмоқда, шахсий ёрдамчи хўжаликни ишнинг кўзини билган ҳолда бошқаришмоқда. Эндиликда совхозимизга тажриба ўрганиш учун тез-тез келадиган меҳмонларга кўрсатадиган бизнинг ҳам нарсаларимиз бор.

Энг аввало уларни посёлкамиз билан таништирамиз. У боғ ва токзорлар қўйнига жойлашган. Уйларда электр, газ, водопровод, шундоқ ёнгинасида яхши қаралган томорқа, оғилхоналарда эса мол, кўплаб парранда, қуёнлар. «Сизларда ҳам тахминан шундай бўлса, ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ишларингиз ҳам ривож топади — юқори ҳосил ва каттагина фойда кўраверасизлар», — дейман. Бу фикрга улар ҳам қўшилишади, бироқ шу заҳоти қурувчилардан шикоят қилиб қолишади: «Эскирган лойиҳалар асосида объектлар қуришмоқда, бунинг устига узоқ, сифатсиз қуришади»... Уларнинг эътирозини тушунаман, ҳамдардлик билдираман, бироқ шунга ишончим комилки, унинг бир томони буюртмачига ҳам боғлиқ. Ахир, шерикларингга ишон-у, ўзинг ҳам бепарво бўлма, дейишади-ку.

Қўриқдаги ҳамма совхозларда бўлгани сингари бизнинг совхозимизга ҳам узоқ ва яқин жойлардан одамлар келишганди. Улар боғдорчилик ва узумчиликда тажрибасиз турли ёшдаги кишилар эди. Ҳаммага бир хил талаб қўйилди: ишла ва даврингни суравер.

Коммунистлар шундай қарор қилишди. У пайтда коммунистлар кўп эмасди: К. Бозоров, А. Фаренберг, А. Чмутова, В. Керинкер, Б. Ниёзматов. Уй-жойнинг пойдевори эндигина қўйилаётган пайтдаёқ улар ишчиларга: «Бу ерда сенинг уйинг қурилади, буниси эса томорқа участканг бўлади. Дов-дарахт эк, экинзор қил, чорвани кўпайтир. Ёрдам керак бўлса — марҳамат», — деб айтишарди. Коммунистлар ўз бўлажак ҳовлиларини тартибга келтиришарди, бошқаларга ёрдамлашишарди... Мен анча кейинроқ бу ерга директор бўлиб келдим, шунда партия аъзолари менга ҳам ўша талабни қўйишди. Ҳозир ўз шахсий хўжалигимда сигир, курка боқяпман, боғим мева беряпти, томорқамдан даромад катта.

Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» китобида жуда аниқ таъкидлаб ўтилганидек: «Томорқасиз қишлоқ кишиси — бамисоли илдизи йўқ дарахт». Бизнинг совхозимизда ҳам аввалига мана шу турмуш донолигини инкор этадиган лойиҳалар асосида — чорва ва паррандалар учун бино, ёзги ошхонасиз уйлар қурила бошлаган эди. Борди-ю, одам узоқ вақт, умрбод шу ерда яшаб қолишни истагудек бўлса, унинг ўзи нималарнидир қура бошлайди: аввалига омонат, кейинчалик эса росмана оғилхона солади. Пировард натижада ҳамма бир йўла қурувчиларга: «Ўз лойиҳаларингизни тузатинг, пала-партишлик рўй бериб, посёлканинг умумий кўриниши бузилмасин», деб таъна қила бошлади.

Ҳозирги пайтда турли объектив сабабларни рўкач қилиш: баъзан ўз айбларини ҳам об-ҳавога, шерикларига тўнкаш баъзи бир қишлоқ раҳбарлари ва деҳқонларнинг одат тусига айланиб бормоқда. Об-ҳавога бизгача ҳам ҳеч ким буюртма билан эга бўлган эмас. Шерикларнинг иши ҳақида шуни айтишим мумкинки, «Дала-завод: ягона комплекс» рубрикаси остида мақола эълон қилган авторларнинг улар шаънига билдирган кўпгина таъналарига мен ҳам қўшиламан. Ўзим ҳам «Сельхозтехника», «Сельхозхимия», шунингдек, дон, пахта, гўшт, сут, сабзавот, мева етиштиришга пул сарфламайдиган бошқа район ва область ташкилотлари шаънига қўшимча бир қатор жиддий эътирозларни билдиришим мумкин. Бироқ айрим колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари учун бу ўзига хос ниқоб, ўз фаолиятсизлигини оқлаш баҳонаси бўлиб қолиши мумкин, деган хавфдаман. Ҳамма айбни бошқага тўнкаш инсофданмас-да, ахир. Ер, техника бизнинг қўлимизда-ку.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун биз фан билан узвий алоқа ўрнатдик, республикада энг яхши ҳисобланган «Огонёк» боғдорчилик-узумчилик совхози билан мусобақалашмоқдамиз. Муаммолар-чи? Улар кимда йўқ? Муаммолар бизнинг коллективимизда ҳам бор. Лоақал токзорлар ҳосилдорлигини олиб кўрайлик. Ҳосилдорлик ҳозирча совхозимизда паст — бор-йўғи 75 центнер. Гап шундаки, токзорларимиз сим бағазларга кўтарилмаган, балки ерда қолган эди. Сабаби таянч вазифасини ўтайдиган темир-бетон устунлар етишмасди. Бироқ шундай шароитда ҳам худди К. Бозоров бошлиқ бригадада бўлгани сингари гектаридан 90-95 центнердан узум ҳосили олса бўларкан. Шунда биз бу бригада тажрибасини кенг оммалаштиришга киришдик.

Ихтисослашган техника, айниқса, қатор ораларига ишлов берадиган, ерга ўғит соладиган, ҳосилни йиғиштириб оладиган техника жуда кам. Муаммони тубдан ҳал этишнинг бирдан-бир йўли — қишлоққа тегишли машиналарни етказиб беришни кўпайтиришдан иборат. Бироқ ҳозирча саноат бизга керакли нарсаларни тўла етказиб бера олмаётган бўлса нима қилиш керак — қўл қовуштириб ўтириб бўлмайди-ку?!.. Бош инженер П. Фишер етакчилигидаги бизнинг уддабурон механизаторларимиз ишни енгиллаштириш учун кўп нарсаларни ўзлари ўйлаб топмоқдалар.

Ҳозирча майиз тайёрлашнинг уддасидан тўла чиқа олмаяпмиз. Махсус навдаги токларни парвариш қиляпмиз-у, бироқ майиз қуритишда ишимиз юришмаяпти. Қўшни Самарқанд областининг машҳур майизчи усталаридан ўрганяпмиз, уларнинг ҳузурига бормоқдамиз ва совхозимизга таклиф этмоқдамиз.

Қўриқдаги меҳнат... Осон эмас у. Баҳор чоғи боғлар қулф уриб гуллаши, ёз ва кузда мўл-кўл мева бериши учун яхши ишлаш керак. Бу халқ донишмандлиги худди нон каби оддий, бироқ унда бутун ҳаёт ҳақиқати мужассам.

А. МУЛИКОВ,
Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли совхоз директори.
Жиззах области.
(«Правда», 2 февраль).

ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРБДОР ФРОНТ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР. Беруний районидаги Киров номли колхознинг илғор сут соғувчиси Олтиной Юсуфбоева ўтган йили ўз боқимидаги 45 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 3172 килограммдан сут соғиб олган эди. Республикамизнинг илғор чорвадорлари мурожаатига «лаббай» деб жавоб берган О. Юсуфбоева юбилей йилида ҳар бир сигирдан 4000 килограммдан сут соғиб олиш учун курашмоқда. Суратда: илғор чорвадор О. Юсуфбоева.

Р. ЎТАМУРОДОВ фотоси.

«Оқ чашма» баракаси

Бухоро области, Вобкент районидаги Охунбобоев номли колхоз чорвадорлари етти илғор чорвадорнинг мурожаатига жавобан сигирлардан қишда ҳам ёздагидек кўп ва серқаймоқ сут соғиб олишга эришмоқдалар.

Колхознинг илғор сут соғувчиси Муҳаббат Рўзиева ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилини яхши якунлади. Ўз боқимидаги сигирларнинг ҳар биридан қарийб 3 минг килограммдан серқаймоқ сут соғиб олди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 1,5 баравар кўпдир. Серғайрат сут соғувчи айни кунларда қишловни муваффақиятли ўтказиб сут соғиб олишни янада кўпайтиришга ҳаракат қиляпти.

— Ҳар бир сут соғувчи ўзига хос орзу-истак билан яшайди,—дейди М. Рўзиева, — Мен кўпдан буён фермамизда «оқ чашма» булоғини тошириш учун бутун куч-ғайратимни сарфлаб келяпман. Ҳозир ўзимга бириктилган сигирларнинг ҳар биридан 12—13 килограммдан сут соғиб оляпман. Йил давомида ҳар бош сигирдан 3500 килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилганман. Мажбуриятимни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 65 йиллик тўйи кунигача ошириб бажараман. Ҳумор Саидова, Муқаддас Собирова, Мавжуда Ҳайитова сингари ҳамкасбларим ҳам ўзларига бириктилган сигирларнинг ҳар биридан 3 минг килограммдан сут соғиб олиш иштиёқида меҳнат қилишяпти.

Тажрибали чорвадор Нажим Фармонов мудирлик қилаётган сут-товар фермаси аҳил коллективи бу йил ўтган йилги ютуқларни янада мустаҳкамлаш билан бирга мавжуд 274 бош сигирнинг ҳар биридан соғиб олинадиган сут миқдорини 2500 килограммга етказишга бел боғлаб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

ТАСС мухбирлари хабар қиладилар

Товар обороти тўғрисида протокол

КОБУЛ. Афғонистон пойтахтида СССР билан АДР ўртасида 1982 йилги товар обороти тўғрисидаги протокол имзоланди.

Ҳар иккала мамлакатнинг бир-бирига етказиб берадиган товарлари ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 13 процентдан ҳам зиёд кўпаяди. СССРдан Афғонистонга авиация ва автомобиль техникаси, тракторлар, йўл қурилиши машиналари, станоклар, нефть маҳсулоти, қора металлар прокати, химиявий ўғит, кенг истеъмол моллари етказиб берилади. Совет томони АДРдан пахта толаси, жун, чарм, гилам, карбамид, цитрус мевалар олади.

Қизғин тайёргарлик

ПАРИЖ. Франция коммунистлари 3 февралда Париж ёнидаги Сент-Уэн шаҳарчасида очиладиган ФКП XXIV съездига тайёргарлик ишларини тамомладилар.

Ўтган дам олиш куни мамлакатнинг бир қанча районларида, шу жумладан пойтахтда Франция Компартияси департамент федерацияларининг якунловчи конференциялари бўлиб ўтди. Конференция иштирокчилари мамлакатдаги аҳволни батафсил таҳлил қилдилар, Францияда сўл кучлар ҳокимият тепасига келганлиги натижасида юз берган янги шароитда коммунистлар олдида турган вазифаларни белгиладилар.

Бўлиб ўтган конференцияларда делегатлар, ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларнинг вакиллари ФКП XXIV съезди резолюциясининг лойиҳасини ишчанлик билан муҳокама қилдилар.

ПКП фавқулодда съездида

ЛИМА. Перу Компартиясининг бу ерда ўз ишини тамомлаган VIII фавқулодда съезди иштирокчилари партия ташкилий фаолияти тўғрисидаги докладни якдиллик билан маъқулладилар. Бу ҳақда ПКП Марказий Комитети Бош секретари Хорхе дель Прадо доклад қилди.

Анжуман делегатлари Перунинг барча меҳнаткашларини ўзининг ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилиш учун курашни кучайтиришга даъват этдилар, сўл кучлар ва бошқа прогрессив демократик ташкилотлар бирлиги коалицияси составида кенг оппозиция фронтини тузишни талаб қилдилар.

Съезд делегатлари партиянинг янги уставини қабул қилдилар.

ПКП Марказий Комитети Бош секретари қилиб бир овоздан яна Хорхе дель Прадо сайланди.

Сенегамбия Конфедерацияси тузилди

ДАКАР. Сенегамбия конфедерациясини тузиш тўғрисидаги шартнома кучга кирди. Бу Конфедерацияга Гамбия республикаси ва Сенегал республикаси киради.

Иккала давлат бошлиқлари имзолаган ҳужжатда ҳар бир томон ўз суверенитетини сақлаб қолган ҳолда дипломатия, мудофаа, хавфсизлик, валюта ва телекоммуникациялар соҳасида ягона сиёсат олиб боради, деб уқтириб ўтилади. А. Диуф Сенегамбия президенти, Д. Жавара вице-президент бўлди.

«Солей» газетасининг ёзишича, Сенегал қўшинлари «Гамбиянинг хавфсизлигини таъминлаш учун» шу мамлакатда қоладилар. Бу тадбир, деб уқтириб ўтади газета, иккала давлат қуролли кучларини интеграциялаш планида кўзда тутилган.

Оммавий норозилик намойишлари

РАНГУН. Бирманинг Хитой билан чегарадош Шанса ва Качи миллий областларида Пекин қўллаб-қувватлаётган сўл экстремист ва сепаратчи гуруҳларнинг қирдикорларига қарши оммавий норозилик намойишлари бўлиб ўтди.

30 мингдан ортиқ киши исёнчиларнинг ваҳшиёна жиноятларини қоралаган шиорлар ва транспарантларни кўтариб Пинлаун, Тичжит, Панун шаҳарлари ва бошқа бир қанча аҳоли пунктларининг кўчаларига чиқдилар.

Бирма ҳукмрон социалистик программа партиясининг органи «Ботатаун» газетаси бугун шу оммавий норозилик намойишлари республика гражданларининг исёнчилар қирдикорларига хотима беришга аҳд қилганликларини яққол кўрсатади, деб таъкидлайди.

(2 февраль).

АСОСЛИ ТАЛАБ

НЬЮ-ЙОРК, 1 февраль. Бу ерда БМТ Бош Ассамблеясининг Сурияга қарашли Жўлон тепаликлари Исроил томонидан қўшиб олинганлиги тўғрисидаги масалага бағишланган фавқулодда махсус сессияси давом этмоқда.

Кейинги бир ярим ой давомида бу масала Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кун тартибидан тушмаётган бўлса ҳам, аммо амалда иш мутлақо силжигани йўқ: АҚШ агрессорга қарши самарали чоралар кўрилишига ўжарлик билан тўсқинлик қилмоқда. Бироқ, сессиядаги мунозара ҳам, шунингдек бундан аввал Хавфсизлик кенгашида ўтказилган муҳокама ҳам араб мамлакатларининг Тель-Авивга қарши қаттиқ жазо чораларини жорий қилиш ва шу тариқа уни БМТ қарорларини бажаришга мажбур этиш тўғрисидаги талабини блокларга қўшилмаган давлатларнинг мутлақ кўпчилиги, шунингдек социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари қўллаб-қувватлаётганликларини яққол кўрсатиб турибди.

Сессия қатнашчиларининг уқтириб ўтишларича, АҚШнинг очиқдан-очиқ йўл қўйиб бериши билан Исроил ўзгаларнинг ерларини сурбетларча ўзлаштириб олаётганлиги Кэмп-Дэвид сепарат битимининг арабларга қарши моҳиятини — Исроилга ўз агрессияси самараларини мустаҳкамлаб олиш имкониятини яратиб қўяётганини тағин ҳам очиқ-равшан кўрсатди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ишлаб чиққан позиция Яқин Шарқ давлатларига Вашингтон тиқиштираётган сепаратчилик йўлининг мутлақо тескарисидир. БМТ Бош секретари Х. Перес де Куэльяр ўз шарафига араб делегациялари ўтказган зиёфатда сўзлаган нутқида Яқин Шарққа кенг қамровли тинчлик кераклигини айтди. Жаҳон миллатлар ҳамжамияти айни мана шундай тинчликка интилаверади.

В. ВАСИЛЕЦ,
ТАСС мухбири.

ЯПОНИЯ:

ХАТАРЛИ ЙЎЛ ҚОРАЛАНДИ

ТОКИО, 1 февраль, (ТАСС). Япония парламентида мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан мунозаралар тугади. Оппозициядаги партиялардан сайланган депутатларнинг ҳукуматга йўллаган сўровларида Япония ҳарбий тайёргарликларни кучайтираётганлиги, у Вашингтоннинг жаҳон миқёсида олиб бораётган авантюристик стратегиясига тобора актив жалб этилаётганлиги муносабати билан чуқур ташвиш билдирилди.

Ҳукмрон либерал-демократик партия мамлакатни милитаризм йўлига солиб юборишга уринмоқда, деб уқтирди парламентдаги оппозициянинг энг катта партияси — Япония социалистик партияси Марказий ижроия комитетининг раиси Итио Асуката. 2.586 миллиард иена миқдорида рекорд ҳарбий бюджетнинг ҳукумат тақдим этган лойиҳаси мана шундан далолат беради. Япония социалистларининг раҳбари Америка маъмуриятининг Европа ва Осиёда, шу жумладан Японияда уруш олиб боришнинг ядровий воситаларини жойлаштириш тўғрисидаги режаларини, АҚШ вакилларининг «чекланган» ядро уруши мумкинлиги ҳақида масъулиятсизлик билан айтаётган гапларини қатъий қораладилар.

Д. Судзуки кабинети, деб давом қилди И. Асуката, қуролсизланишга «кўмаклашиш» нияти тўғрисида гапиргани билан амалда Америка сиёсатига эргашиб бормоқда. Бу кабинет мамлакат конституциясидаги урушга қарши моддаларни қайта кўриб чиқиш режаларини тузмоқда.

«Акахата» газетаси таъкидлайдики, Япония ҳозирдаёқ «тез ҳаракат қилувчи кучлар»нинг плацдармига айлантириб қўйилган экан (бу кучлар дунёнинг турли районларида жазо операцияларини олиб бориш учун мўлжалланган) Япония ва Американинг биргаликдаги операциялари Узоқ Шарқдан олис жойларда ҳам олиб бориладиган бўлади.

ПОЛЬШАДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

ВАРШАВА, 1 февраль. (ТАСС). Польша оммавий ахборот воситалари ПХР сейми сессиясининг якунларини, В. Ярузельскийнинг нутқини ҳамон шарҳламоқдалар. Сессия танг вазиятни бартараф этиш, экономика ва социал турмуш соҳасида барқарорликка эришиш юзасидан ҳаракат программасини белгилаб берганлиги таъкидланмоқда. «Трибуна люду» газетаси ўз шарҳида жумладан ёзадики: мамлакат ҳали ҳамон оғир пайтларни бошдан кечирмоқда, бу эса кўп куч-ғайрат талаб қилади, аммо бу куч-ғайратлар полякларни олға, бунёдкорлик сари бошлаб боради. ПБИПнинг воевода ташкилотлари пленумлари ва активларида Миллий қутқариш ҳарбий кенгашининг экономика соҳасида тартиб ўрнатишга қаратилган тадбирлари қўллаб-қувватланаётганлиги изҳор этилмоқда.

Мамлакатда нарх-наво системасини тартибга солиш чоралари ана шу мақсадларга хизмат қилади. Издан чиққан иқтисодий мувозанатни қайта тиклаш учун ПХР Министрлар Советининг қарорига биноан шу йил 1 февралдан бошлаб асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг, ёқилғи, энергиянинг янги чакана нархлари жорий этилди.

«Трибуна люду» газетаси мамлакатдаги вазиятга умуман баҳо бериб бир неча ҳафтадан буён осойишта ва бехатар вазият ҳукм сураётганлигини қайд этади. Ҳарбий ҳолат режими ҳафта сайин юмшаб бормоқда. Аммо, афсуски, социалистик Польшанинг душманлари бунга чидай олмаяптилар. Улар кескинликни келтириб чиқаришга ва машаққат билан қайта тикланган тартибни бузишга уринмоқдалар. 30 январь куни Гданьскда худди шундай уриниш қилиб кўрилди. ПХР ички ишлар министрлигининг хабар қилишича, душман унсурларнинг бир группаси бу ерда кўчаларда тартибсизликлар чиқариб жамоат биноларини эгаллашга уриниб кўрди, натижада бир қанча киши жароҳатланди. Тартибсизликларни уюштирган кимсаларга қарши жиноий иш қўзғатилди.

ПХР ички ишлар министрлигининг баёнотига кўра иғвогарлар ҳарбий ҳолатнинг баъзи чеклашлари бекор қилинганлигидан фойдаландилар. Ана шундай тартибсизликларнинг олдини олиш мақсадида Гданьскда ҳарбий ҳолат чоралари кучайтирилди, жумладан комендантлик соати узайтирилди.

«Трибуна люду» газетаси Гданьскда содир бўлган воқеа муносабати билан қуйидагиларни ёзади: мамлакатда вазиятни кескинлаштиришга уринаётган кимсалар жазосиз қолишга умид боғлай олмайдилар. Улар маънавий ва сиёсий жиҳатдан ёппасига қораланишлари керак. Чунки улар бутун халққа қарши ҳаракат қилмоқдалар. Мамлакатда аҳволни нормаллаштиришга тўсқинлик қилмоқдалар.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ДЕҲЛИ

Ҳиндистонда суғориладиган ер майдони 55 миллион гектардан ошиб кетди. Шу беш йилликда (1980—1985 йиллар) 50 дан кўпроқ ирригация иншооти ишга туширилади, деб хабар берди ирригация министри К. Панде.

Ҳиндистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда деҳқончиликни интенсивлаш вазифаси биринчи ўринга қўйилмоқда. Суратгарх, Ҳисор, Кананнур ва бошқа районларда Совет Иттифоқининг ёрдами билан тузилган йирик фермаларнинг иш тажрибаси, деб таъкидлайди маҳаллий матбуот, бу вазифани муваффақиятли ҳал этишда катта аҳамиятга эгадир.

● ДАМАШҚ

Бу ерда Сурия ёзувчиларининг навбатдаги съезди бўлиб ўтди.

Съезд Сурия Араб Республикаси араб ёзувчилар иттифоқининг 1982 йилги иш программасини белгилади. Программада мамлакат адибларининг ижтимоий фаолиятини кенгайтириш, иттифоқнинг нашриёт базасини яхшилаш кўзда тутилади. Съезд шу йилнинг май ойида ўтказиш мўлжалланган «Осиё ва Африка мамлакатлари драматургияси» симпозиумига тайёргарлик масаласини ҳам муҳокама қилди. Сурияда араб адабиёти тарихи музейини ташкил этиш юзасидан тайёргарлик ишларини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

● ДАККА

Пойтахтдаги энг катта заллардан бирида «Бангладеш—СССР» дўстлик жамияти икки мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигининг 10 йиллиги муносабати билан уюштирган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда мамлакатнинг таниқли жамоат ва давлат арбоблари нутқ сўзладилар.

[ТАСС].

КАПИТАЛИЗМ ИЛЛАТЛАРИ

МУШКУЛЛИК ГИРДОБИДА

Капиталистик дунё кейинги йиллар ичида кетма-кет қатор иқтисодий инқирозлар, беҳад таназзуллар сиртмоғида безовта тўлғанмоқда. Бунинг натижасида келиб чиқадиган кулфат ва машаққатлар албатта меҳнат аҳлининг елкасига оғир юк бўлиб тушади.

Кейинги йилларда Австрияда юз берган иқтисодий қийинчиликлар жараёнида ҳам худди шундай манзара такрорланди. Қийинчиликларнинг юки ишчиларга, деҳқонларга ва бошқа юмушдаги оддий кишиларга ортиқча ташвиш бўлди. Айниқса австриялик деҳқоннинг шўри қуриди. Негаки, кризис туфайли жуда кўп деҳқон хўжаликлари хонавайрон бўлди. Ҳозир мамлакатда бир неча йил мобайнида майда деҳқон хўжаликлари иқтисодий мушкулликлар гирдобига бутунлай ғарқ бўлган.

Масалан, 1979 йилгача Австрия деҳқонларининг деярли ярми қишлоқ хўжалик ишлари билан банд бўлиб, шу орқали кун кечирар эди. Ўтган йилнинг охирига келиб қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи фуқаронинг 38 проценти ер-сувдан бутунлай жудо бўлди. Чунки рақобатга бардош бера олмаган майда хўжаликлар бутунлай синди. «Зальцбургер нахрихтен» газетасининг таъкидлашича, қишлоқ хўжалигида кун кечиролмай қолган кишилар тирикчилик ўтказиш учун шаҳарларга йўл олишди. Яқин вақт ичида 60 мингдан ортиқ деҳқон ўз киндик қони тўкилган ерларини ташлаб кетишга мажбур бўлди.

Хўш, шаҳарда уларга мос бирор иш топиш осонми! Шўринг қургур деҳқон иш қидириб сарсон бўлиб юришдан бошқа чорани тополмайди. Бирор малака, касб-корга ўрганмаган деҳқон шаҳарга келиб, энг оғир ва кам ҳақ тўланадиган юмушларда ишлашга ҳам рози бўлади. Бундан бошқа нима ҳам қилсин.

АХБОРОТ

СИРДАРЁ

ҚУЛАЙ МАРШРУТЛАР

Сирдарё областининг маркази — Гулистон шаҳри билан Тошкент областининг Бекобод шаҳри ўртасида автобус қатнай бошлади. Бу қўриқ областнинг марказини қўшни область ва республика шаҳарлари билан боғловчи 54-маршрутдир. Ҳозир ҳар куни область марказидан турли маршрутлар бўйлаб қатнашаётган автобуслар қўриқ область меҳнаткашларининг узоғини яқин қилмоқда.

САҲНАДА — «ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН»

Олим Хўжаев номидаги Сирдарё давлат музикали драма театрининг ижодий коллективи ўз репертуарини яна бир янги саҳна асари билан бойитди. Яқинда театр режиссёри, республикада хизмат кўрсатган артист Ғафур Ҳамидуллаев драматург Хуршиднинг «Лайли ва Мажнун» пьесасини саҳналаштирди. Ундаги асосий ролларни республикада хизмат кўрсатган артистлардан А. Ғафуров, Ш. Раҳматуллаева каби таниқли санъаткорлар билан бир қаторда Р. Ҳамидуллаев, Ф. Исломова каби ёш умидли артистлар ижро этмоқда.

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ДЎСТЛИГИМИЗ МАДҲИЯСИ

КОНКУРС МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

Адабиёт ва санъатнинг энг яхши асарлари учун эълон қилинган республика конкурсининг муддати шу йилнинг декабригача узайтирилди. Конкурс жюриси КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларидан келиб чиқадиган янги вазифаларни эътиборга олиб, давлатимиз турмушидаги тарихий воқеа — СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги муносабати билан шу қарорга келди.

Конкурсга тақдим этиладиган ва кейинги йилларда яратилган бадиий адабиёт ва журналистика, музика ва тасвирий санъат, кино санъати, архитектура ва шаҳарсозлик асарлари Улуғ Октябрнинг ва ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг жаҳоншумул тарихий аҳамиятини акс эттирган бўлиши лозим. Шу асарлар муаллифларининг энг муҳим вазифаси шу улуғ воқеаларнинг мамлакатимиз халқлари ва бутун инсоният тақдирига ўтказган таъсирини очиб беришдан, Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда рўй берган улуғвор ўзгаришларни, янги турмуш қурилишида коммунистик партиянинг, Улуғ Ленин ғояларининг ҳал қилувчи ролини кўрсатишдан иборат.

«Конкурсга» белгиси билан республика ёзувчилар союзига топшириладиган ишларнинг тематикаси жуда хилма-хил бўлиши мумкин. Қардош совет халқларининг мустаҳкам дўстлигини, мамлакатимиз халқларининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги мислсиз жасоратини тасвирловчи асарлар ҳам, ишчилар синфининг, қишлоқ меҳнаткашларининг, совет зиёлиларининг қаҳрамонона меҳнатига бағишланган бадиий ижод самаралари ҳам, коммунистларнинг, комсомолларнинг қиёфасини, партия билан бутун халқнинг ер юзида мустаҳкам тинчлик учун курашини ҳикоя қиладиган асарлар ҳам қабул этилади.

Конкурсга тақдим қилинадиган ишлар биринчи октябргача қабул этилади. Уларни республика министрликлари ва идоралари, ижодий союзлари, илмий тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари, республика газета ва журналларнинг редколлегиялари, нашриётлар, жамоат ташкилотлари тақдим қиладилар.

(ЎзТАГ).

БУХОРО. Зардўзлик фабрикаси ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳажми йил сайин ошиб бормоқда. Зардўзлар юбилей йилида 720 минг сўмлик зардўзлик буюмларини давлат Сифат белгиси билан чиқаришга аҳд қилишган. Бунинг 120 минг сўмлиги пландан ташқари бўлади. Суратда: корхонанинг илғор зардўзи Саида Йўлдошева қизи — Мастурахон Йўлдошевага каштачилик сирларини ўргатмоқда.

А. Мирзажонов фотоси.
(ЎзТАГ).

ШОИР ШЕЪРИЯТИНИНГ БАҲОРИ

УЙҒУР АДАБИЁТИ КЛАССИГИ БИЛОЛ НОЗИМНИНГ КИТОБИ ҲАҚИДА

Уйғур халқи ўзининг олис асрлар қаърига илдиз отган маданияти билан машҳур. Бу маданият илғор анъаналарини давом эттириб, ўз намояндаларини яратиб келмоқда. Уйғур адабиётининг классиклари силсиласида аҳтироcли шоир Билол Нозимнинг номи алоҳида ажралиб туради.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти «Шарқ классиклари меросидан» сериясида ана шу ажойиб шоирнинг танланган шеърларини чоп этди.[1]

Билол Нозим шеърларининг ўзбек тилида эълон қилиниши бежиз эмас. Негаки, у мислсиз лирик шоир, ўз даврининг забардаст эпик санъаткори ҳамдир. Унинг «Нозугум қиссаси», «Қулоҳли Юсупхон» ва «Ғазот дар мулки Чин» («Хитой мамлакатидаги ғазот») каби реалистик достонлари уйғур классик адабиётининг шоҳ асарларидан саналади.

1824 йилда Ғулжа шаҳрида туғилган шоир ўз халқининг аянчли тақдирига шерик бўлди. У қўлига қурол олиб, она халқининг миллий озодлик учун қарийб ярим аср давомида олиб борган курашларида иштирок этди. Унинг юқорида тилга олинган достонларидаги уйғур феодаллари ҳамда Хитой ҳукмрон доираларининг зулмига қарши олиб борилган кураш мавзуи бу воқеаларнинг лоқайд кузатувчиси эмас, балки фаол иштирокчиси сифатида тасвирланди. Шунинг учун ҳам бу достонларда халқ тарихининг муҳим саҳифалари ҳаққоний акс эттирилди.

Шоир овози — халқ қалбининг садоси, дейдилар. Бу ҳикматни давом эттириб, шоир тақдирида халқнинг тақдири ҳам ифодаланади, деб айтиш мумкин. Уйғур халқининг фожиали тақдири Билол Нозим қисматида ҳам акс этди. Акс ҳолда бу ажойиб шоирнинг қачон ва қаерда оламдан ўтгани унинг халқи учун сир бўлиб қолармиди? Лекин тахминлар унинг етмиш йилдан зиёд умр кўргани ва Ёркент шаҳрида дафн этилганидан дарак беради.

Билол Нозим ўз умри давомида ғазалга, лирикага алоҳида эътибор билан қаради. Ўз даврининг ўқимишли кишиларидан бўлган шоир Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий сиймосида ўз устодларини кўрди. Шоир Абдураҳмон Жомийни ўз устози деб билганини ёзади. «Шоирнинг ғазаллари ва «Ғазот дар мулки Чин» достонида Алишер Навоий номи қайта-қайта зўр ҳурмат билан тилга олинади», деб ёзади профессор М. Ҳамроев китоб муқаддимасида.

Шоир қандай замонда ва шароитда яшамасин, ҳаётбахш мавзуларни топади, некбин ғоялар ва туйғулар оламини тасвирлайди. Шарқ шоирларида кўринганидек, Билол Нозим ижодида ҳам дунёвий ишқ-муҳаббат ана шундай ҳаётбахш мавзудир. Унинг ғазалларида тасвирланган лирик қаҳрамон шоҳона саройда эмас, фақирлар кулбаеида, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб яшайди. Лекин муҳаббат кечинмалари туфайли у ўзини шоҳона саройда деб ҳис этади. У ана шу туйғуларни ўзининг руҳий давлати деб билади.

Шоир ижодида чархи кажрафторнинг ситамлари, азоб ва уқубатлари ҳам ифодаланади. Баъзан олис йўлларга тикилиб, чароғон манзилларни кўрмади, Ҳамма нарса фоний, ҳамма нарса муваққат, ҳамма нарса ишқ ўтида куйиб адо бўлувчи шоир қалбига ўхшаб кўринди. Шундай кезларда у ёзади:

Қароласам кўрунмайди
оламнинг учи,
Бу дунё бир эски работ,
биз — йўл ўтгучи.

Бу ҳасрат ва надомат оҳанглари шоир лирикасида у қадар кўп эмас. Ёр дардида куз япроғидек сарғайган шоир ўзининг бутун дардини, изтиробларини, орзу умидларини ва армонларини севги тароналарида ифодалайди. Муҳаббат унинг учун тўфонли замондан қочиш маскани бўлди. Шоирнинг ҳаётга бўлган меҳр-муҳаббати, келажакка бўлган умиди ҳам унинг севги лирикасида ўз ифодасини топди.

«Билол Нозим шеъриятидан» китобини варақлар эканмиз, уйғур классик шоирининг қайноқ юрак тафти, қувноқ ва некбин лирик қаҳрамонининг туйғулар дунёсидан завқ ва ҳарорат оламиз. Шоир шахсининг ўзига хос кўзгуси бўлган лирик қаҳрамон образида олижаноб инсоний туйғулар самимий ва халқона соддадиллик билан тасвир этилганини кўрамиз.

Ўзбек китобхони Билол Нозим шеърларини ўқир экан, уйғур шоирининг фақат поэтик изланишлари билангина танишиб қолмай, балки, унинг ижодида катта маҳорат ва самимият билан куйланган жабрдийда уйғур халқининг қалбини ҳам кўради, унинг маънавий ва руҳий оламига ҳам киради.

Шоир бир ғазалида шундай ёзган эди:

Навбати хазон етти,
Мавҳуми баҳор кетти,
Вақт бизга яқин етти,
Нозим буни деб кетган.

Уйғур халқи Билол Нозим кўролмаган ва тасаввур этиши ҳам маҳол бўлган чароғон манзилларга етиб келди. Тарих уйғур шоирининг башоратига таҳрир киритди. Унинг қутлуғ номи ўчмади, аксинча, у уйғур халқининг маданият тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилди. Билол Нозим орзу қилган баҳор — янги ҳаёт баҳори чаман гуллари билан кириб келди. Ана шу баҳорга ҳамоҳанг ўлароқ шоирнинг шаффоф нурларга чайиб олинган, ўйноқи мисралари ўзбек оҳангларида ҳам янграй бошлади.

Ўзбек ва форс-тожик шеъриятига ҳамоҳанг бўлган ҳамда шу халқларнинг адабий анъаналаридан озиқланган уйғур адабиёти гарчанд тил нуқтаи назаридан эски ўзбек тилига анча яқин бўлса-да, Билол Нозим шеъриятининг таржимонлари — филология фанлари доктори Мурод Ҳамроев ва филология фанлари кандидати Ваҳоб Раҳмоновлар олдида ушбу шеърият намуналарини ўзбекча оҳангларда ифодалаш, ҳозирги замон ўзбек адабий тили нормалари асосида қайта тиклаш вазифаси турарди. Шу нарса қувончлики, Билол Нозим лирикаси уйғур тилида нечоғли янграса, таржимада ҳам айни ўшандай оҳангда жаранглади. Ўрни келганда шуни қайд этиш кераккй, шарқ классик лирикасини ўзбек тилига таржима этишда асл нусханинг поэтик хусусиятлари, хусусан, вазнни сақлаб қолиш таржима санъатида энг тўғри ва синалган йўл бўлиб қолдики, Билол Нозимнинг таржимонлари ҳам шу илмий принципга тўла риоя қилганлар.

Наим КАРИМОВ,
Рўзи ҚОДИРИЙ,
филология фанлари кандидатлари.

1. Билол Нозим шеъриятидан. Тузувчи Мурод Ҳамроев. Тошкент.

ЎРТА ОСИЁ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ МАРКАЗИ

ФЕВРАЛЬ ОБ-ҲАВОСИ

Ўтган ойнинг учинчи ўн кунлигида ҳаво бир оз совуганига қарамай, Ўзбекистон территориясида ўртача ҳарорат нормадан юқори бўлди. Шунга ўхшаш февралда ҳам аёзли кунларнинг бўлиши кутилмаяпти. Умуман февралда ўртача ҳарорат норма атрофида бўлади.

Ғарб томондан Ўрта Осиё районларига эсган совуқ ҳаво ҳароратнинг бир оз пасайишига сабаб бўлсада, кўпга чўзилмайди. Ҳароратнинг беқарорлиги туфайли кечалари 0—5 даража совуқ билан иссиқ алмашиб туради. Жанубда ҳарорат 5—10 даражагача етади. Кундузлари 2—7 дан 9—14 даражагача иссиқ бўлса, жанубда симоб устуни 13—18 даражани кўрсатади. Республиканинг шимолий районларида кечалари 4—9 даража совуқ билан 0—5 даража атрофида иссиқ, кундузлари 0—5 даража совуқ билан 10—15 даражагача иссиқ бўлиши кутиляпти. Ой охирига бориб, кунлар исий бошлайди. Ўртача ёғингарчилик ой мобайнида норма атрофида бўлади.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ТАРАҚЛАМАЙДИГАН ТУНУКА

Автоматлаштириш ва механизацияллаштириш бугунги кунда халқ хўжалигининг ҳамма соҳасига хос жараёндир. Бу ишни серунум машина-аппаратларисиз тасаввур этиб бўлмайди, албатта. Машинасозликда эса пластмассадан мумкин қадар кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилингани билан барибир пўлат ва металлар асосий ўринда туради. Металл қисмларнинг ҳаракат чоғида шовқинсиз ишламаслиги табиий. Кейинги пайтда кўпгина олим ва мутахассислар камшовқин узеллар, шовқин ютувчи мосламалар яратиш устида тадқиқот олиб бормоқдалар.

Япония инженерлари ишни бошидан бошлашни, металл таркибини ўзгартириш йўли билан шовқинни камайтиришни таклиф қилдилар. Улар шу соҳада ҳозирнинг ўзида иш бошлаб юборишди. Жумладан, пўлатнинг «Транкалой» («Тинч») деб номланган қотишмасини яратишди. Унинг таркибида темирдан ташқари 12 процент миқдорида хром бор. Махсус ишловдан ўтгани учун бу хил қотишма тунукаси одатдагиларга нисбатан кам титрайди, тебранади, бинобарин, кам шовқин чиқаради, устига-устак узоқроқ чидайди.

ҚИШЛОҚ СПОРТЧИЛАРИ ҲАЁТИДАН

ОММАВИЙЛИК ЙЎЛИДА

«Асосий эътибор меҳнаткашларни, ёшларни бевосита корхоналарда, колхозларда, совхозларда, муассасаларда, ўқув юртларида ва аҳоли истиқомат жойларида физкультура ва спорт машғулотларига жалб этишга қаратилсин».

(КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Физкультура ва спортнинг оммавийлигини янада ошириш тўғрисида»ги қароридан).

ИШТИХОНЛИКЛАР ИБРАТИ

Районимиз шаҳар-қишлоқларида физкультура ва спорт ишларини янада яхшилаш учун катта ишлар қилинмоқда. Ҳозир барча коллективларда кўйи физкультура ташкилотлари мавжуд бўлиб, уларга қарийб 30 минг йигит-қиз жалб қилинган. Спорт базалари қуриш ишларига ҳам алоҳида аҳамият берилялти. Район марказидаги 15 минг томошабинга мўлжалланган стадион, сузиш бассейни, спортчилар ихтиёрига бериб қўйилган. Спортнинг 20 тури бўйича мунтазам машғулотлар ўтказилмоқда. Оммавийликни таъминлаш, ўринбосарлар сафини кенгайтириш мақсадида болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ташкил этилди. Мактабда 300 га яқин бола спорт билан шуғулланаётир. Шунингдек, «Муродобод» колхозида бунёд этилаётган 5 минг ўринли стадион ҳам фойдаланишга топширилиш учун тахт қилиб қўйилди. «Янгикент» совхозида эса стадион қурилиши жадал олиб борилмоқда.

Жиззах областининг Арнасой ва Дўстлик районларида бошланган ташаббус — ҳар бир хўжаликда спорт иншоотлари қуриш ташаббусига қўшилиб, спорт комплекслари барпо этишга эътиборни кучайтирмоқдамиз. Мавсумий спорт майдончалари барпо этиш, дала шийпонлари олдида спортнинг баъзи турлари билан шуғулланиш учун қулай шароитлар яратишга аҳамият берилмоқда. Мавжуд стадион ва спорт майдончаларининг гавжум бўлишига, айниқса, дам олиш кунларининг мароқли ва мазмунли ўтишига ҳаракат қилиняпти.

Тадбиркорлик ўз самарасини бермоқда. Ўтган йили минглаб ёшлар спортчилар сафига қўшилди. Район бўйича тўрт спорт мастери, 69 мастерликка номзод тайёрланди. Минглаб йигит-қиз оммавий разряд талабларини бажаришди. Районимизда областда биринчи бўлиб хўжаликлараро спорт клуби ташкил этилган. Ҳозир спорт маҳоратини ошираётганлар сафи 400 кишидан ортди. Улардан бир гуруҳи Свердловск шаҳрида ўтказилган Бутуниттифоқ мусобақасида иштирок этиб, бронза медалини қўлга киритишга муяссар бўлди.

Наманган областининг Ғурумсарой посёлкасида бўлиб ўтган қишлоқ ёшлари республика Спартакиадасида гандболчиларимиз ғолиблик супасига кўтарилдилар. Нукус шаҳрида эса самбо бўйича республика мусобақасида иштирок этган Т. Кўмаков билан Р. Усмоновлар олтин медалли бўлишди. 30 дан зиёд спортчимиз область терма командаларига аъзодирлар. Районимизда спорт ишларини янада оммавийлаштириш борасида тренерлардан кураш бўйича Э. Синдоров, кўл тўпи бўйича Ҳ. Ҳожибоев, футболчилар устози М. Нарзуллаев, енгил атлетикачилар мураббийси Т. Мардиев, бокс сирларини ўргатиш устаси О. Аминовлар жонбозлик кўрсатмоқдалар. Жамоатчи тренерлар Ш. Фазлиев, С. Қувватов, Ш. Хисматуллин, И. Қурбоновларнинг меҳнатини алоҳида таъкидлашни истардим.

Спорт мавсуми энди бошланмоқда. Кўп ўтмай кунлар исиб, ёшларимиз яна стадионларга йўл оладилар. Уларнинг маҳоратларини ошириш учун бундан буён ҳам қулай шароитлар яратишга ҳаракат қилаверамиз.

А. ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Иштихон район партия комитетининг биринчи секретари.

АРҒУМОҚЛАР МАСКАНИ

Коллектив ҳаётида унутилмас воқеа содир бўлди. Ўтган йил охирида ишчиларимиз республикадаги йирик завод-совхознинг ўзига хос юбилейини нишонлади. Зарбдор районидаги бу хўжаликнинг ташкил топганига 50 йил тўлди. Шу давр мобайнида коллективимиз бир мунча ютуқларни қўлга киритди. Зотли арғумоқларни кўпайтириш, тарбиялаш, спорт синовларига ҳозирлашда тажриба тўпланди. Чунончи, «Фонатик», «Улуғбек», «Кўк каптар», «Буревестник», «Атрик», «Баскет» лақабли тулпорлар республика ва мамлакат майдонларида мухлисларни ром этди. Чавандозларимиз Бутуниттифоқ пойгаларида 24 марта мукофотли ўринларни эгаллашди. Арғумоқларимизни минган суворийлардан олти киши мамлакат чемпиони номига сазовор бўлди. Завод маҳсулотлари икки марта Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг мукофоти билан тақдирланди.

Қулунларни пойга отлари даражасига етказишнинг ўзига хос меҳнати бўлади. Аввал қулунлар сараланади. Бир ярим йилдан кейин эгарланиб, жиловланади. Сўнг йўртиш машқларига зўр бериб, уларни инсон иродасига мойил бўлишга ўргатилади. Шу тариқа учқур арғумоқларни пойгада иштирок учун Тошкент, Олмаота, Москва, Тбилиси, Пятигорск отчопарларига юборилади. Моҳир тренер-чавандозларимиз отларни синовдан ўтказишда ибрат кўрсатишмоқда. Чунончи, Ғ. Қулматов «Фароб» лақабли отда, А. Қодиров эса «Плутон»да зўр маҳорат кўрсатиб, мухлислар олқишига сазовор бўлишаётир.

Спортчиларимиз маҳорати ҳам ортиб бормоқда. Иккинчи разрядли чавандоз М. Тоғаевнинг ютуқлари таҳсинга лойиқдир. Ёш суворий Тошкентда бўлиб ўтган мусобақалардан бирида «Байроқ» лақабли отида 2400 метрлик масофани биринчи бўлиб босиб ўтди. Умуман, завод-совхозга пойга отларини кўпайтириш, спортчилар маҳоратини ошириш билан оммавийликни таъминлаш учун барча имкониятлар бор. Совхозимиз ажойиб чавандозлик масканига айланмоқда.

Ж. ЧАЛАБОЕВ,
Жиззах областидаги Будённий номли 76-йилқичилик завод-совхози бош зоотехниги.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти қошидаги
9-ПОЛИГРАФЧИЛАР БИЛИМ ЮРТИНИНГ ФИЛИАЛИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

қўлда ва машинада ҳарф терувчилар, юқори, чуқур ва ботиқ босма печатниклари, муқовачилар.
Ўқиш муддати — 1 йил.
Машғулотлар рус тилида олиб борилади.
Ўқишга ўрта маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинади.
Ҳар ойда ўқувчиларга 70 сўм ҳажмида стипендия берилади.
Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан, кейинчалик турар-жой ва Тошкент шаҳрида доимий прописка билан таъминланадилар.
Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.
Машғулотлар — 1982 йил 15 февралда бошланади.
Ўқишни аъло баҳолар билан тугатганларга полиграфия олий ўқув юртларига киришда имтиёзлар берилади.
Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 3x4 см. ҳажмидаги 4 дона ва 4x6 см. ҳажмидаги 2 дона фотосурат.
Ҳужжатлар ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети
182-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1982-83 ўқув йилига
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

электрпайвандчи, дурадгор, бўёқчи.
Ўқиш муддати — олти ой.
Билим юртига ўрта маълумотлилар ва Совет Армиясида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар қабул қилинадилар.
Билим юртини битирганларга диплом берилади, улар қурилиш бошқармасига ишга юборилади.
Билим юртини аъло ва яхши баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларига йўлланма берилади.
10-синфни битирганлар 30 сўм стипендия оладилар.
Совет Армиясида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар 60 сўм стипендия оладилар.
Ўқувчилар ишлаб чиқариш давридаги иш ҳақининг 50 проценти билан таъминланадилар.
Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига киради.
Билим юртини битирганларга «Таштракторстрой» трестига ишга йўлланма берилади.
Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, 6 дона сурат (3x4 см.), медицина справкаси (286-форма).
Қабул комиссияси ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача ишлайди.
Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Куйбишев райони, Багратион кўчаси, 4-уй (17-автобуснинг «12-турар жой шаҳарчаси», 13-трамвайнинг «Шимолий Шарқ массиви» бекати). Телефон: 64-18-41.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ
профессор-ўқитувчилар составидаги
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: қишлоқ хўжалигида сув таъминоти, марксча-ленинча фалсафа;
кафедра катта ўқитувчилари: ҳисоблаш математикаси, электр энергиясини ишлаб чиқариш ва тежемлаш, жисмоний тарбия (3 ўрин),
кафедра ассистентлари: инженерлик конструкциялари, асослар ва пойдеворлар, чизма геометрия ва чизмачилик (2), теплотехника ва ичдан ёниш двигателлари, сиёсий иқтисод;
кафедра ўқитувчилари: жисмоний тарбия (3), рус тили (2).
Конкурс муддати — 3 мартгача.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй, кадрлар бўлими.

«ГОСКОМГИДРОМЕТ»нинг
В. А. БУГАЕВ НОМЛИ ЎРТА ОСИЁ РЕГИОНАЛ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (САНИИ)
бўлимлар ва лабораториялар бўйича
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: қишлоқ хўжалик метеорологияси, гидрологик прогнозлар, метеорология ва иқлим, тупроқнинг ифлосланиши ва атмосферага чиқиндиларни чиқариб ташлашни нормалаш бўйича тадқиқотчи;
катта илмий ходимлар: тупроқнинг ифлосланиши ва атмосферага чиқиндиларни чиқариб ташлашни нормалаш бўйича тадқиқотчи, метеорология ва иқлим, гидрологик прогнозлар, гидродинамик прогнозлар ва объектив анализ методларини ишлаб чиқиш, актив таъсир этувчилар.
Конкурс муддати — 15 февралгача.
Ҳужжатлар институт директори номига қуйидаги адрес бўйича юборилсин: 700052, Тошкент шаҳри, Г-52, Обсерватория кўчаси, 72-уй. Телефонлар: 33-61-13, 35-80-59.

«Госкомсельхозтехника»
МАРҒИЛОН РЕМОНТ ЗАВОДИ
корхоналардан, муассасалардан, колхозлар ва совхозлардан ГАЗ-69, УАЗ-469, УАЗ-452 (фургон) **автомашиналари, ГАЗ-51 автоагрегатлари** (олд ва орқа мостлари, узатиш коробкалари)**ни чекланмаган миқдорда**
КАПИТАЛ РЕМОНТГА
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Мурожаат учун адрес: 713767, Фарғона область, Охунбобоев райони, Қорақўшчи қишлоқ совети.

И. В. СТРЕЛЬЦОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ 1-АВТОРЕМОНТ ЗАВОДИ
ремонт қилинадиган маҳсулотлар номенклатураси бўйича
БУЮРТМАЛАР ИНВЕНТАРИЗАЦИЯСИНИ ЎТКАЗАДИ.
ГАЗ-51, ГАЗ-53, ПАЗ-672, ЗИЛ-130, Урал-375 двигателлари ва ҳамма маркадаги узатиш коробкалари.
Инвентаризация 25 февралгача ўтказилади.
Буюртмачилар келмаган тақдирда буюртмалар бекор қилинади ва ишлаб чиқаришдан олиб ташланади.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/II да **Кузнинг биринчи куни,** 4/II да **Алмандар,** 5/II да **Гурунг.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3/II да **Олифта,** 4/II да **Тўйдан олдин томоша,** 5/II да **Дилафрузга тўрт ошиқ.**

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеси ва СССР Адабиёт фондининг Ўзбекистон бўлими Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, республика халқ шоири, СССР Давлат мукофотининг лауреати Рамз Бобожонга онаси

Саломатхон Карим қизи БОБОЖОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Ўзбекистон Кўрлар жамияти Марказий правлениеси Президиуми Сирдарё область правлениеси раиси С. Қодировага онаси

Ойша ХОЛИҚОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Оқшомдан тушгача. Бадиий фильм. 1-серия. 10.50 — Киносаёҳатчилар клуби. 11.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Илмий-оммабоп фильм. 15.40 Концерт. 16.10 — Ҳуқуқ ҳақида суҳбатлар. 16.55 — Халқ оҳанглари. 17.10 — И. Ильф ва Е. Петров ҳаёти ва ижоди. 18.05 — Горничилар, қаердасиз? 18.50 — Тоғ чанғи спорти бўйича жаҳон чемпионати. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Концерт. 19.50 — Фан оламида. 20.20 — Оқшомдан тушгача. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. 22.50 — Дунё воқеалари. 23.05 — Ҳужжатли фильм.

МОСКВА-II. 9.00 Гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 13.05 — Ота-оналар, сизлар учун. 10.05 — ва 12.05 — Немис тили. 10.35 ва 11.35 — География. 11.05 — Эстетик тарбия. 12.35 ва 13.35 — Тарих. 14.05 — А. Толстой. Ижод саҳифаларида. 14.50 — Физика. 15.20 — Ботаника. 15.40 — Бир актёр театри. 16.50 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Илмий-оммабоп фильм. 19.00 — Қишлоқ янгиликлари. 20.00 — Тоғ чанғи спорти бўйича жаҳон чемпионати. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Халқаро панорама. 21.30 — Время. 22.05 — Оғиш бурчаги. Бадиий фильм. 1-серия.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Ботаника. 12.00 — Болалар учун концерт. 12.30 — Ботаника. 13.00 Инқироз. Бадиий фильм. 2-серия. 18.05 — Концерт. 18.30 — Тенгдошларинг ижоди. 19.00 — Бошқариш мактаби — хўжалик мактаби. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Фильм-концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Музика ҳақида ҳикоялар. 21.30 — Время. 22.05 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.25 — Баҳор қайтмайди. Телетеатр. 1-қисм. 23.40 — Бугун оламда нима гап?

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Шу куннинг қўшиқлари. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 11.15 — КПСС XXVI съезди ривожланган социализмнинг иқтисодий сиёсати ҳақида. 11.30 — Студентлар ва ёшларнинг талабларига биноан концерт. 12.10 — Ўзбекистон индустриальний. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Табаррук замин. 19.25 — Қўшиқлар ва лапарлар. 21.00 — Шеърият кечаси. 21.20 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт. 23.15 — Дам олиш соатида.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-78-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-18, 32-53-20, 33-35—53, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Г. 01759. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 28. 2